

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЖАББОРОВ НОЗИМЖОН ҚОСИМОВИЧ**

**ЖИНОЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН АКТИВЛАРНИ  
ҚАЙТАРИШДА ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**мавзусида ёзилган**

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**ТОШКЕНТ–2020**

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>.....</b>
<b>I БОБ. ЖИНОЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	
1.1.	Жиноий йўл билан топилган активлар тушунчаси.....
1.2.	Жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришда мажбурий ижро ҳаракатлари ва унинг ҳукукий асослари.....
1.3.	Жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш масалалари бўйича халқаро тажриба.....
<b>II БОБ. ЖИНОЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШДА ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	
2.1.	Жиноий йўл билан топилган активларни хатлаш, хисобини юритиш ва қайтариш муаммолари.....
2.2.	Жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришда халқаро ҳамкорлик механизмларини жорий этиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш.....
<b>ХУЛОСА.....</b>	
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	

## **КИРИШ**

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.** Дунёда жиноий йўл билан билан топилган мол-мулкни легаллаштиришга қарши курашиш, коррупцион жиноятларнинг олдини олиш ва глобал хавфсизлик масалалари билан бирга иқтисодий барқарорликни таъминлаш, шунингдек жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш, кўплаб халқаро ташкилотлар ҳамда бирлашмалар фаолиятида кенг қамровли илмий ва амалий тадқиқотлар ва муҳокамалар мавзуси ҳисобланади.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жиноий йўл билан билан топилган мол-мулкни легаллаштириш нафақат товар-пул ва молия муносабатлари балки жамиятнинг ижтимоий соҳасига таҳдид соладиган давримизнинг тан олинган муаммоларидан бири ва глобал молиявий тизимни криминаллаштириш жараёни бўлиб, бу ўз навбатида жамият ҳаётининг турли соҳаларида уюшган жиноятчиликнинг пайдо бўлиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиши билан хавфлидир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек “Давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш механизмларини жорий этиш керак. Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқиши талаб этмоқда”<sup>1</sup>.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти этиб қайта ташкил қилиниб, амалий фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ишлар бўйича мусодара қилишга оид суд қарорлари ижросини таъминлаш агар ноқонуний ўзлаштирилган пул маблағлари ва қимматбаҳо қофозлар чет эл ҳудудидаги банк ҳисоб рақамларида сақланаётган, турли хил шаклдаги мулк ёки кўчмас мулк чет эл ҳудудида жойлашган бўлса, ушбу тоифадаги қарорлар ижросини чет эл ҳудудида таъминлаш жуда мушкул ва амалиётда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бу эса жиноий даромадларни легаллаштириш орқали четга чиқиб кетган активларни қайтариш билан боғлиқ фаолиятга илғор тажрибалар, иш усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш бу борадаги фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда ўзаро мақсадли ҳамкорликни ташкил этишда хорижий давлатлар хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари иштирокининг самарадорлигини оширишни тақозо этганлиги боис, мазкур фаолиятни такомиллаштириш учун илмий тадқиқот ўтказиш заруриятини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 2001 йил 29 августдаги ЎРҚ-258-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3149-сонли ва “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол

тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон фармонлари шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасидаги “Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича хуқуқий ёрдам ва хуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги (1993 йил 22 январдаги Минск Конвенцияси) ҳамда Кишинев Конвенцияси (2002 йил 7 октябрь), “Жиноий ишлар бўйича хуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида имзоланган (2014 йил 11 ноябр Абу Даби) шартномаси ҳамда соҳага доир бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот обьекти** жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш ва мусодара қилишга оид суд қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш масалаларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг уларни қўллаш бўйича фаолияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг мақсади** жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш тартибини белгиловчи хуқуқий нормалар ва уларни қўллаш амалиётини, шунингдек мамлакатимизда ушбу муносабатларнинг хуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқищдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришга оид суд қарорлари ижросини чет эл ҳудудида таъминлаш соҳасида давлатлар ва уларнинг ваколатли органлари ўртасидаги халқаро ҳамкорликнинг хуқуқий моҳиятини очиб бериш, ушбу институт ва унинг муҳим хусусиятларининг таърифини шакллантириш;

- активларни қайтаришда уларни кузатиш, жиноят иши юритувидаги процессуал ҳаракатлар ҳамда суд қарорлари ижросини таъминлашда хорижий мутахассислар фикрини инобатга олган ҳолда, ушбу ваколатларни амалга оширишга масъул органларни аниқ белгилаш;

- чет элдаги активларни қайтаришда илғор амалий тажрибага эга бўлган хорижий давлатларнинг амалиётидан фойдаланиб, ўрганилаётган хуқуқий муносабатлар соҳадаги халқаро ҳамкорлик самарадорлигига ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган сабабларни аниқлаш ва мамлакатимизга тегишли тажрибани ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

- активларни қайтариш билан боғлиқ суд қарорларини ижро этишга оид миллий қонунчилик ва унга боғлиқ соҳалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ўзаро халқаро хуқуқий ёрдам соҳасидаги ҳукуматлараро битимларининг самарадорлигини аниқлаш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

Тадқиқот ишида миллий суд қарорларининг чет худудидаги активлар мол-мулкларни қайтаришга оид ижро хужжатларини шунингдек чет эл судларининг ушбу тоифадаги ижро хужжатларини тан олиш ва ижрога қаратиш, бу борадаги асосий жиҳат халқаро ҳамкорликни амалга оширишда тавсиялар, мол-мулк мусодараси билан боғлиқ мажбурий ижро ҳаракатлари: мол-мулкни хатлаш, банд солиш, сақлаш, баҳолаш ва реализацияси каби процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг миллий қонунчилик ва халқаро стандартлари чукур таҳлил қилинган.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили.** Жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришда ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари мамлакатимизда тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган.

Жиноий йўл билан орттирилган активларни қайтаришга оид рус олимлари Д.А.Кунев, П.Н.Кобец, С.С.Улюкаевларнинг диссертация ишлари, шунингдек Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси билан биргаликда 2007 йил ўзлаштирилган мулкларни қайтариш (**StAR Ташаббуси**) дастури томонидан соҳадаги халқаро тажриба ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари ва халқаро ташкилотлар тавсиялари масаланинг умумий жиҳатлари яъни, активларни кузатиш, ноқонуний эканлигини аниқлаш, ноқонуний ўзлаштирилган пулларни музлатиш, жиноятни фош этиш, айборларни аниқлаш, далиллар тўплаш, исбот қилиш, жиноятчини қидириш, экстрадиция ва бошқа процесуал ҳаракатларга бағишиланган бўлиб, жиноят ишлари бўйича судларнинг активларни қайтаришга оид ижро хужжатларини ижро этиш масалаларига қиёсий-хукуқий таҳлил асосида комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли мазкур масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

**Тадқиқот услублари.** Тадқиқот олиб борища қиёсий-хукуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили қаби усууллар қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти ундаги қоида ва хуносалар Ўзбекистон Республикаси “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг жиноий йўл билан топилган мол-мулкларни легаллаштиришга қарши курашиш ҳамда мусодара ва активларни қайтариш билан боғлиқ ўзаро хукуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама халқаро шартномаларни амалиётга тўғри қўллаш ва янада ривожлантириш учун тавсияларни, шунингдек қонунчиликда қўлланилиши мумкин бўлган хукуқий масалаларни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида хусусан, норматив-хукуқий хужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида халқаро хусусий ҳуқуқ, англо-саксон ҳуқуқ тизими ва қонунчилиги, шунингдек миллий жиноят ижроия қонунчилиги, суд қарорларини ижро этиш соҳасидаги фанларни ўқитиш ва ушбу фанларни ўзлаштирилишига чуқур эътибор берилишига хизмат қиласди.

**Тадқиқот иши тузилмасининг тавсифи.** Тадқиқот иши кириш, иккита боб, бешта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми **70** бетни ташкил этади.

## **І БОБ. ЖИНОЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Жиной йўл билан топилган активлар тушунчаси.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасига мувофиқ мамлакат иқтисодиётининг негизини турли шакллардаги мулк ташкил этади. Мулк ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ ҳисобланадики, у бу ҳуқуқни бузадиган ҳар қандай ҳаракатларни тақиқлашни тақозо қилади.

Жамиятда мулк ҳуқуқини эъзозлаш вазияти вужудга келтирилиши лозимлигини, унга нисбатан ҳар қандай тажовузларнинг содир этилиши муқаррар жавобгарликка ва жазога тортилиши кераклигини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги даврда давлатимизнинг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири бу интеграция жараёни иштирокчилари ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга асосланиб, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан муносабатларни янги босқичга кўтаришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида давлат активлари тартибсиз бошқарилаётгани ҳам самарадорликка салбий таъсир қўрсатаётганлиги, шунингдек, мавжуд тизимни тартиба солиш мақсадида Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уни мустақил агентлик этиб қайта ташкил этиш лозимлиги, Агентлик давлат мулкини бошқариш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, акция ва облигациялар чиқариш йўли билан уларни молиявий соғломлаштириш, хусусийлаштириш жараёнларига бош-қош бўлиши хусусида таклиф билдирилган эди<sup>2</sup>.

Ушбу таклифлар натижаси ўлароқ, 2019 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан (2018 йил 28 декабрь).

монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5630-сонли Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 404-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан тасдиқланган Низомда Агентликнинг мақоми, асосий вазифалари, фаолият йўналишлари, функциялари, хукуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва хисобот бериш тартиби белгиланган<sup>3</sup>.

**Актив – (лотинча *actus* - ҳаракатчан)** 1) ташкилотнинг ҳар қандай мулки: машина ва ускуналар, бинолар, банк омонатлари ва қимматли қоғозларга сармоялар, патентлар; 2) корхонанинг моддий ва номоддий қийматларини акс эттирувчи бухгалтерлик баланси қисми (гудвилл); ишлаб чиқариш жараёнидаги ролига мувофиқ гурухлаштирилган воситаларнинг таркиби, жойлаштирилиши ва фойдаланилишини характерлайди; 3) баъзи баланс турларида даромадларнинг харажатлардан ошииши (тўлов баланси ва ҳ.к.)<sup>4</sup>.

Шунингдек, активлар банк хисобварақларида пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк, транспорт воситалари, санъат буюмлари, қимматбаҳо металлар ҳам бўлиши мумкин.

Барча активлар учта асосий шаклга эга:

- моддий;
- номоддий;
- молиявий активлар.

---

<sup>3</sup>15 май 2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 404-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом.

<sup>4</sup> Иқтисодий атамалар лугати <http://www.bizplan.uz/theory/dictionary/?filter2=A-Z>

Моддий активлар бу шахснинг мулки ускуналар, ёқилғи, мебел, бинолар, асбоблар аниқ хусусиятларга эга бўлган ташкилот мулки объектлари, бинолар, автомобиллар, товарлар, хомашё ва маҳсулотлар.

Номоддий активлар мавҳум бироқ маълум қийматга эга. Масалан:

- патентлар, савдо маркалари, интеллектуал мулк ҳуқуқлари;
- ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи;
- лицензиялар ва рухсатномалар;
- формулаталар, дастурий маҳсулотлар, технологиялар ва бошқа шунга ўхшаш товар-моддий бойликлар.

Молиявий активларга молия ташкилотларида депозитлардаги ссудалар, бошқа ташкилотларнинг акциялари ва облигациялари каби пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари киради.

Активлар товар айирбошлиш ва бизнес жараёнларида қатнашиш хусусиятига қараб, айланма ва айланмадан ташқари активларга бўлинади.

Айланмадаги активлар битта ишлаб чиқариш ёки тижорат циклида тўлиқ ишлатиладиган мулк турлари, қайта ишлашдан кейин тайёр ва қўшимча маҳсулотга айланадиган ишлаб чиқариш учун хомашё айланма активларнинг ёрқин намунасиdir. Айланма активлар, шунингдек, ходимларнинг иш ҳақини тўлаш, хом ашё сотиб олиш, молиявий мажбуриятларни тўлаш ва ҳоказолар учун ишлатиладиган компания хисобидаги пулларни ўз ичига олади.

Айланмадан ташқари активлар шаклини ўзгартирмайди ва сарф қилинмайди. Улар харажатларни аста-секин тайёр маҳсулотга ўтказиб, бир неча ишлаб чиқариш цикллари устида ишлайди.

Узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдиган мулкларга:

- бино ва иншоотлар;
- автомобиллар ва бошқа мобил ускуналар;
- ишлаб чиқариш ускуналари;

- қимматбаҳо ва узоқ вақт давомида ишлатиладиган асбоб, ускуналар ва шунга ўхшаш нарсалар киради.

Айланмадан ташқари активлар таркибиға номоддий активлар, узоқ муддатли берилган кредитлар, ижарага берилган ускуналар, қимматли қоғозлар, депозитлар ва бошқа молиявий воситалар ҳам киради.

Активларнинг таснифи ва уларнинг хусусиятларини фарқлаш тижорат ташкилотининг фаолиятини аниқ иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳар томонлама баҳолаш имконини беради.

Халқаро тажрибада активларни жиноий йўли билан орттиришнинг ўғрилик ёки ноқонуний ўзлаштириш, талон-торож, фирибгарлик, алдаш, адаштириш, пора бериш, мансаб ваколатидан ғаразгўйлик мақсадларида фойдаланиш, маҳаллий давлат хизматчиларини пора эвазига оғдириш, халқаро давлатлар ёки халқаро ташкилотлар хизматчиларини пора эвазига оғидириб олиш, хизмат мавқеидан шахсий манфаатларда фойдаланиш, жиноий даромадларни легаллаштириш, яшириш, эгаллаш, эгалик қилиш ёки улардан фойдаланиш, давлат харидлари қоидаларини бузиш каби усуслари мавжуд<sup>5</sup>:

Жиноий йўл билан топилган активлар атамаси мазмун ва моҳиятини ёритища Ўзбекистон Республикасининг 26 август 2006 йилдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясиға (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 243-моддаси яъни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда ифодаланган жиноий қилмиш учун жавобгарлик билан бевосита боғлаш мумкин.

---

<sup>5</sup> Жан-Пьер Брюн Ларисса Грей Кевин Стивенсон Клайв Скотт “Руководство по возврату активов для специалистов- практиков” 2012 г.

Ўзбекистон Республикасининг 26 август 2006 йилдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тұғрисида”ги Қонуни мақсади жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, юридик шахсларга, уларнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат органларига нисбатан татбиқ этилади<sup>6</sup>.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этиш бўйича фаол иш олиб борган дунё ҳамжамиятининг барча мамлакатларидан шубҳасиз, АҚШ қонунлари энг тажрибалиси ҳисобланади чунки бу мамлакатда "ноқонуний пулларни" ювишга қарши фаол кураш 1970 йилда бошланган. Айнан шу иили АҚШ Конгресси кўриб чиқилаётган ҳодисага қарши кураш соҳасида замонавий давлат сиёсатини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиласидиган учта қонунни қабул қилди - "Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тұғрисида", "Гиёҳванд моддалар тарқалишини универсал назорат қилиш тұғрисида", "Банк сири тұғрисида". шу вақтга келиб, Америка Қўшма Штатлари ушбу ноқонуний фаолиятда махфий банк депозитларидан фойдаланиш ҳақида жиддий ташвишлана бошлади. Хусусан, бундай ҳисобварақлардан солиқларни

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг 26 август 2006 йилдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тұғрисида”ги Қонуни 1-1<sup>-1</sup>-моддалари.

тўлашдан бўйин товлаш, ноқонуний йўл билан олинган маблағларни тақсимлаш, ички савдо қоидаларини бузишда фаол фойдаланилган. “Банк сири тўғрисида” ги қонун хужжатлари ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш ва тергов қилишда асосий тўсиқ бўлган, чунки мустақил бўлган банклар ўз мижозларининг хисобвараклари тўғрисида маълумот беришга қонуний мажбурият олмайдилар. Германияда жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш 1992 йил 15 июлда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва бошқа уюшган жиноятчиликнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш тўғрисида" ги қонун қоидалари қабул қилинганлиги муносабати билан жиноий қонунчиликка ўзгартишлар киритилган. Хусусан, Германия Жиноят кодексининг 261-моддаси пул ювиш ва мулкий имтиёзларни яшириш учун жавобгарликни кўзда тутади. Германия Жиноят кодексининг 261-моддасида, ушбу моддада қўрсатилган ноқонуний хатти-ҳаракатлардан бири натижасида олинган даромадни, унинг келиб чиқишини яширган ёки ушбу объектнинг келиб чиқиши, унинг жойлашган жойи, мусодара қилиниши, олиб қўйилиши ёки сақланиши ёки бундай объектнинг сақланиши ёки сақланишига тўскىнлик қиласиган ҳар қандай шахс жавобгар бўлади<sup>7</sup>.

Дунёга машҳур **KPMG** аудиторлик компанияси томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, активларни ўзлаштириш бўйича корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкини талон-торож қилиш, оширилган нархларда харидлар амалга ошириш, компания харажатларини манипуляция орқали бошқариш, моддий бойликлар ва маҳсулотларни талон-торож қилиш, скимминг (банк пластик карточкалари орқали фирибгарлик) ҳамда ташки аралашувлар орқали содир этиладиган ўғирликлар каби усулларидан фойдаланиб амалга оширилади. Бундай усуллар орқали ноқонуний яъни жиноий йўл билан бойлик ортиришга асосан ички бошқарув тизимининг заифлиги ва назорат мавжуд эмаслиги ва ниҳоят ходимларнинг ишга

---

<sup>7</sup> “Опыт США и Германии в сфере борьбы с легализацией (отмыванием) доходов, полученных преступным путем” МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ «СИМВОЛ НАУКИ» №2/2016 ISSN 2410-700X.

нисбатан ҳалол ва вижданан ёндашмаслиги каби омиллар сабаб бўлиши аниқланган<sup>8</sup>.

Давлат активларини ўзлаштириш муаммосини ҳал қилиш мақсадида Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси билан биргаликда 2007 йил сентябр ойида ўзлаштирилган мулкларни қайтариш (**StAR Ташаббуси**) дастурини бошлади.

**StAR Ташаббуси** маълумотларига қўра, ўзлаштирилган давлат активларини қайтариш жаҳон мамлакатлари учун жуда жиддий муаммо ҳисобланиб, ҳар йили давлатлар **1 триллиондан 1,6 триллион** долларгача маблағ йўқотадилар. Ривожланаётган мамлакатларда ҳар йили **40 миллиард доллар** пул маблағлари чет элдаги банклар ҳисоб рақамларига ўtkазилиб ноқонуний ўзлаштирилади бу қўрсатгич эса **240 миллион** одам яшайдиган дунёдаги энг камбағал **12** та мамлакатнинг йиллик ялпи ички маҳсулотига тенг ва уларнинг аниқ қийматини аниқлаш имконияти мавжуд эмас<sup>9</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 243-моддаси мазмунига қўра, даромадларни легаллаштириш деганда айбор томонидан жиноий фаолият натижасида ортирилган мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк)нинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши тушунилади.

Мулк обьекти сифатида бундай ҳолларда Фуқаролик кодекси 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк бўлиши мумкин. Бундай мулкка қонуний тус бериш пул маблағлари ёки бошқа битимлар амалга оширишда ифодаланади. Молиявий операцияларга капитал маблағларни ҳаракатлантириш юзасидан амалга ошириладиган операциялар, жумладан, пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қонунсиз топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул

<sup>8</sup> Global Profiles of the Fraudster, KPMG International, 2016

<sup>9</sup> UNODC and The World Bank, “Stolen Asset Recovery (StAR) Initiative: Challenges, Opportunities, and Action Plan” (World Bank, Washington, DC, 2007), p. 10, citing Raymond Baker, *Capitalism’s Achilles Heel: Dirty Money and How to Renew the Free-Market System* (Hoboken, NJ: John Wiley & Sons, Inc., 2005).

маблағларини банкдаги жамғарма ҳисобварағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш ва ҳ.к. Битимлар орқали содир этиладиган легализация деганда, фуқаролик хуқуқидаги сингари тузиладиган олди-сотди, қарз, ҳадя, гаров, ижара, айирбошлаш ва ҳ.к. шартномалар тузилиши тушунилади.

Бошқа бир қатор давлатлар жиноят қонунида эса бу жиноят содир этиш усулига кўра бир неча кўринишлари алоҳида кўрсатилади. Масалан, Корея Республикаси Жиноят кодексида “Ўғирланган мулк билан боғлиқ жиноятлар”, Истроил Жиноят қонунида “Ўғирланган мулк” ва Россия Федерациясининг жиноят кодексида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти “иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар” туркумига киритилган ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти шахсан жиноят содир этиш орқали топилган даромадларни легаллаштириш ва бошқа шахслар томонидан жиноят содир қилиш орқали топилган даромадларни легаллаштириш каби кўринишларини фарқлайди.

Халқаро хуқуқ доктринаси ва амалиётида эса жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш “пулларни ювиш, тозалаш” сифатида эътироф этилади ҳамда наркотрафик, порахўрлик, ўғрилик ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар натижасида олинган пул маблағларининг “ҳақиқий” кўринишини яшириш мақсадида қонний молия тизимидан фойдаланиш сифатида баҳоланади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадаларни шартли равища икки гурухга бўлиш мумкин:

Молиявий операциялар орқали содир этиладиган легализация ва битимлар содир этиладиган легализация.

Молиявий операцияларга капитал маблағларни ҳаракатлантириш юзасидан амалга ошириладиган операциялар, жумладан пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа волютага ўтказиш, ноқонуний топилган

пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини банкдаги жамғарма ҳисобварағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш каби ҳолатлар орқали амалга оширилади.

Битимлар орқали содир этиладиган легализация деганда, фуқаролик ҳуқуқидаги сингари тузиладиган олди-сотди, қарз, ҳадя, гаров, ижара, айирбошлиш ва ҳ.к. шартномалар тузилиши тушунилади.

Юқорида санаб ўтилган барча даромадларни легаллаштириш усул (жиноят содир этиш усул)лари легализациянинг ушбу гурухларидаги кўринишида содир этилади. Масалан, жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкка қонуний тус бериш мақсадида улар турли хил молиявий операциялар, яъни пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, ноқонуний топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини жамғарма ҳисобварағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш шаклида ўтказиш усулидан фойдаланилади.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 174-моддаси “бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланса, 174-1-моддаси “жиноят содир этган шахс томонидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланади. Яъни Россия Жиноят кодексида ўзи томонидан содир этилган жиноят мулкни легаллаштириш билан, бошқа шахс жиноят содир этиши натижасида топилган мулкни легаллаштириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси Жиноят кодексида жиноий йўл билан топилган мулкни легаллаштириш учун дифференциялаштирилган жавобгарлик белгиланган. Жумладан кўп миқдорда содир этилиши 2-қисм билан, бир гурух шахслар билан олдиндан тил бириктириб ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш 3-қисм билан, жуда кўп миқдорда ёки уюшган гуруҳ тмоонидан содир

етилиши эса оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 174-1-моддаси 4-қисми билан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундан ташқари, барча қисмларида муқобил жазо белгиланган. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 218-моддаси, Молдова Жиноят кодексининг 243-моддаси, Беларус Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси, Украина Жиноят кодексининг 209-моддалари бўйича ҳам жиноий йўл билан топилган мулкни легаллаштириш учун деференциялаштирилган жавобгарлик белгиланган ҳамда муқобил жазо турлари назарда тутилган.

Чет эл ҳудудида активларни кузатиш ва ахборот тўплаш мазкур давлат қонунчилигига мувофиқ хуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва прокурорлар ёки тергов судлари билан яқин ҳамкорликда, шунингдек фуқаролик даъволари, хусусий изқуварлар ёки бошқа ваколатли манфаатдор шахслар томонидан амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, активларни қайтариш бўйича ишнинг дастлабки босқичларидан бири бу жиноий жавобгарликка тортиш, коррупция натижасида мулкни қайтариш учун самарали стратегияни ишлаб чиқишидир. Мол-мулк мусодара қилиш йўли билан қайтарилиганми ёки жиноий иш юритиш орқали, чет элда суд жараёни ёки фуқаролик даъвоси билан боғлиқ бўлмасин, мақсадлар ва умуман асосий жараён бир хил бўлиб қолади.

## **1.2. Жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришда мажбурий ижро ҳаракатлари ва унинг ҳукуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 январь 2019 йилдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5630-сонли Фармони ҳамда унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 404-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ Агентликнинг мақоми, асосий вазифалари, фаолият йўналишлари, функциялари, ҳукуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби белгиланган<sup>10</sup>.

Мазкур Агентлик жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар юзасидан чиқарилган суд қарорларини ижро этиш ваколатига эга эмас.

Ўзбекистон Республикасида миллий судлар томонидан суд қарорлари асосида бериладиган ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг З-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилган бўлиб, уларнинг ваколатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

---

<sup>10</sup> 15 май 2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 404-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом.

Ўзбекистон Республикаси суди томонидан чет эл судининг ёки арбитражининг қарори асосида берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин. (Қонун 6-моддаси.)

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид жиноят иши юзасидан чиқариладиган суд қарорлари ижроси бўйича мол-мулкларни давлат фойдасига мусодара қилиш Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 15 июль 2009 йилдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган Низом<sup>11</sup> ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини этиш тўғрисида”ги Қонуни 4-боби<sup>12</sup> бевосита ижро этиш чораларини қўллаш асослари ва чораларига бағишлиланган бўлиб, унга мувофиқ мажбурий ижро этиш чоралари тўғри расмийлаштирилган ижро ҳужжати қонунда белгиланган тартибда топширилганда ҳамда ижро иши юритишини қўзғатиш тўғрисида давлат ижроиси томонидан қарор қабул қилинганда қўлланилади.

Мулкий ундирувлар билан боғлиқ ижро ҳужжатлари давлат ижроиси иш юритувига келиб тушганидан сўнг, бир кунлик муддат ичида ижро иши юритишини қўзғатиш тўғрисида ёки ижро ҳужжати камчиликлар яъни иловаларга қўйилган талаблар тўлиқ бўлмаганида ижро ишини

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 июль 2009 йилдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган Низом.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини этиш тўғрисида”ги Қонуни 4-боби.

тақдим қилган орган ёки судга қайтариш тұғрисидаги қарорлардан бирини қабул қиласы<sup>13</sup>.

Давлат ижрочиси ижро ишини құзғатиш билан бир вактда қарздорнинг мол-мулкини хатлашга ҳақли, мол-мулк хатланғанлиги тұғрисида қарорда күрсатилиши керак.

Ижро иши юритишни құзғатиш билан бир вактда мол-мулкни хатлаш қоида тариқасида давлат ижрочисида қарздор томонидан мол-мулкни яшириш, йүқотиши, бегоналаштириш ёхуд истеъмолга яроқлилик хусусиятини йүқотиши ҳолатига келтириши мүмкінлиги тұғрисидаги шубхалари мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Мол-мулкни хатлаш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади<sup>14</sup>:

Қарздор тасарруфидаги ҳамда келгусида ундирувчига топшириладиган тақдирда мол-мулк шикаст етказмаган бутлигини таъминлаш;

Жавобгар ёки бошқа шахслар тасарруфидаги мол-мулкни суднинг хатлаш ёки банд солиши тұғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида.

Давлат ижрочисининг мол-мулкни хатлаш процесси қуйидаги харакатларни ўз ичига олади:

**Рўйхатга олиш.** Давлат ижрочиси ижро харажатларини инобатга олган ҳолда ундирувчига белгиланған суммани қоплаш учун етарли микдордаги қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олади. Ундирувни таъминлайдиган микдордаги мол-мулкни рўйхатга олиш учун, ички бозордаги талаб ва таклиф конъюнктураси тұғрисидаги маълумотлар асосида мазкур мол-мулкнинг таҳминий нархини белгилайди.

---

<sup>13</sup> 12.03.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тұғрисида”ги 4236-сонли Қарори

<sup>14</sup> 29.12.2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Суд ижрочилари бўлимларида ижро ва иш юритиш тұғрисида йўриқномани тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги” 1091-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган бўйруқ.

Мол-мулк қарздор ва холислар иштирокида, қарздор бўлмаганда вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирокида, агар улар ҳам бўлмаса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи вакиллари иштирокида рўйхатга олинади. Қарздор юридик шахснинг мол-мулки унинг вакиллари ва холислар иштирокида рўйхатга олинади.

Агар қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиш вақтида бошқа шахслар бу мол-мулк ўзига қарашли эканлигини даъво қилсалар ҳам, бу мол-мулк хатланади, бошқа шахсларнинг эътирози тўғрисида рўйхатга белги қўйилади. Шу билан бир вақтда давлат ижрочиси манфаатдор шахсга мол-мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш хукуқи берилган тартибни тушунтиради.

Давлат ижрочиси мол-мулк хатланганида уни тасарруф этиш ёки ундан фойдаланиш ман қилинган тўғрисида қарздорни огоҳлантиради ва бу хусусда далолатномада қайл этади.

**Зарур ҳолларда - мол-мулкдан фойдаланиш хукуқини чеклаш, уни олиб қўйиш ва сақлашга топшириш.** Чекловнинг турлари, ҳажми ва муддатлари ҳар бир муайян ҳолда мол-мулкнинг хусусияти, унинг мулқдори ёки эгаси учун аҳамияти ҳисобга олиниб, давлат ижрочиси томонидан белгиланади.

Хатланган мол-мулкни олиб қўйиб, реализация қилиш учун топшириш давлат ижрочиси томонидан белгиланган муддатда, лекин хатлов амалга оширилгандан кейин камидан беш кундан сўнг амалга оширилади.

Олиб қўйилган тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ашёлар дарҳол реализация қилиш учун топширилади.

Карздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиш пайтида аниқланиб, хатланган сўм ва чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металлардан, қимматбаҳо тошлардан, марвариддан ясалган заргарлик

буюмлари ва бошқа буюмлар, шунингдек ана шундай буюмларнинг резгилари ва алоҳида қисмлари (бўлаклари) олиб қўйилиши шарт.

Давлат ижрочисининг хатланган мол-мулкни тасарруф қилиш юзасидан таъқиқини бузиш ёки ундан фойдаланиш ҳукуқининг чекланганлигига риоя қилмаслик қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади. (ЖК 233-моддаси<sup>15</sup>).

Мол-мулкни рўйхатга олиш ҳаракатлари мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномасида қуидагилар:

- 1) далолатномани тузиш вақти ва жойи;
- 2) далолатномани тузაётган давлат ижрочисининг, шунингдек иштирок этган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 3) ижро ҳужжатининг реквизитлари ва мазмуни;
- 4) қарздор ва ундирувчининг номлари;
- 5) далолатномага киритилган ҳар бир ашёнинг номи, ўзига хос хусусиятлари (оғирлиги, ўлчови, эскирганлик даражаси ва х.к.), ҳар бир ашёнинг алоҳида баҳоси ва барча мол-мулкнинг қиймати;
- 6) ашёларнинг муҳрланганлиги, агар у амалга оширилган бўлса;
- 7) агарда мол-мулкни сақлаш қарздорнинг ўзига юклатилган бўлмаса, мол-мулк сақлаш учун топширилган шахснинг номи ва манзили;
- 8) қарздор ва бошқа шахсларга давлат ижрочисининг хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш тартиби ва муддати, шунингдек қарздор ёки мол-мулкни сақловчига сақлаш бўйича мажбуриятлар ва сақлашга берилган мол-мулкни талон-торож қилиш, бошқа шахсга бериш ва яширганлик учун жавобгарлик ҳақида тушунтирилганлиги тўғрисида белги;

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 233-моддаси Банд солинган мулкни қонунга хилоф равища тасарруф этиш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

9) ундирувчи, қарздор, рўйхатга олишда иштирок этган шахслар ва давлат ижрочиси фармойиши бўйича иштирок этган шахсларнинг эътиroz ва мурожаатлари кўрсатилиши лозим.

Рўйхатга олиш далолатномасида хатланган мол-мулкнинг хусусияти, ўлчами, вазни, савдо белгиси, ишлаб чиқарилган санаси ва рақами, сотиб олинган санаси ва уни тавсифловчи бошқа белгилар кўрсатиб ўтилиши лозим.

Агар мол-мулк эгасида ашёларни сотиб олинганлиги тўғрисидаги хужжатлар сақланиб қолган бўлса, далолатномада уларга асосланиш лозим.

Мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномаси икки нусхада тузилиб, улардан бири ижро иши юритувида қолади, иккинчиси эса биринчи нусхасига имзо қўйдирилиб қарздорга топширилади.

Агарда рўйхатга олинган мол-мулк сақлаш учун қарздорга эмас, бошқа шахсга берилган бўлса, мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномаси уч нусхада тузилиб, улардан бири сақловчига, иккинчиси қарздорга берилиб, учинчиси ижро иши юритувида қолади.

**Рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш.** Рўйхатга олинган мол-мулкнинг баҳоланиши давлат ижрочиси томонидан таъминланади.

Мол-мулкни сотишнинг бошланғич нархини белгилаш учун ижро хужжати бўйича реализация қилинадиган мол-мулкни баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган баҳоловчини давлат ижрочиси баҳолаш тўғрисидаги қарори билан жалб қиласи.

Рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолашни ташкил этиш “Суд ижроилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги” Низом<sup>16</sup> билан белгиланган тартибда давлат ижрочиси томонидан амалга оширилади.

---

<sup>16</sup> 24.12.2015 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Суд ижроилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги” Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2744-сонли Қарори.

Куйидаги мол-мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилот жалб қилинади:

- а) автомототранспорт воситалари;
- б) кўчмас мулк;
- в) фонд биржасининг расмий листингига киритилмаган ва марказлаштирилган тартибда котировка қилинмаган қимматли қоғозлар.

Фонд биржасининг расмий листингига киритилган қимматли қоғозларнинг қиймати давлат ижрочиси томонидан ушбу қимматли қоғозлар бўйича фонд биржасига ёзма сўрвнома юбориш орқали белгиланади.

Мол-мулк давлат ижрочиси томонидан мустақил баҳолангандаги бу хақда қарор чиқарилади.

**Давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни хисобга олиш ва сақлаш.** Мол-мулкни олиб қўйиши ваколатли орган мансабдор шахси томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

Мол-мулк олиб қўйилгандан кейин ваколатли орган мансабдор шахси томонидан бир сутка муддатда мол-мулкни сақлаш учун жойлаштириш масаласи ҳал қилинади.

Бунда, олиб қўйилган мол-мулк, қоидага кўра, сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқармалари мол-мулкни сотиш бўйича хизматлар кўрсатишга белгилангандаги тартибда шартномалар тузган ва мол-мулкни сақлаш учун тегишли жойларга эга бўлган савдо ташкилотларига берилади.

Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан, ҳар қандай турдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металлардан (олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металлар — палладий, иридий, родий, рутений, осмий), қайта ишланмаган ва қайта ишланган табиий қимматбаҳо тошлардан (олмослар, бриллиантлар, ёқутлар, зумрадлар, сапфирлар,

шунингдек табиий марварид), ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган олиб қўйилган заргарлик маҳсулотларини, таркибида қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, табиий марваридлар мавжуд бўлган маҳсулотларни (кейинги ўринларда қимматбаҳо металлар ва тошлар деб аталади) сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигига берилади.

Сақлаш учун маҳсус шарт-шароитларни талаб қиласиган бошқа мол-мулк (автотранспорт воситаси, дори воситалари ва ҳоказолар) сақлаш учун бинолар, майдончалар ва омборларга жойлаштирилиши мумкин;

сақлаш учун масъул шахс белгиланган ҳолда ваколатли органинг;

мол-мулкни масъулиятли сақлашнинг белгиланган нормалариға мувофиқ бўлган маҳсус омбор бинолари, асбоб-ускуналар ва шарт-шароитларга эга бўлган бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг бинолари, майдончалари, омборларига жойлаштирилиши мумкин.

Миллий ёки хорижий валютадаги олиб қўйилган нақд пул маблағлари (ашёвий далиллар сифатида эътироф этилган пул маблағлари бундан истисно) уларни олиб қўйган органинг миллий ёки хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган маҳсус депозит ҳисоб рақамига ўтказиш учун уч кун муддатда банкка топширилади.

Сақлаш учун қабул қилиш-топшириш тўғрисида ваколатли орган масъул мансабдор шахсининг ҳамда мол-мулкни сақлашга қабул қилган шахснинг имзолари билан тасдиқланган уч нусхадаги мол-мулк рўйхати билан далолатнома расмийлаштирилади.

Мол-мулкни сақлаш учун қабул қилиб олган шахс мол-мулк ўзлаштирилиши, камомади, яширилиши, йўқ қилиниши ёки унга шикаст етказилганлиги учун жавобгарлик, шу жумладан жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади, бу ҳақда қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатномада мол-мулкни сақлаш учун қабул қилиб олган шахснинг имзоси қўйилган ёзув қайд этилади.

Мол-мулк сақлашга топширилгунгача унинг сақланиши учун масъулият мол-мулкни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси зиммасига юкланди.

Давлат ижрочиси қарздорнинг маълум бўлиб қолган ва олиб қўйилган чет эл валютасидаги нақд пул маблағини у олиб қўйилган куннинг эртасидан кечиктиrmай Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш хукуқидан фойдаланувчи банкка сотиш учун топширади<sup>17</sup>.

Қарздорнинг чет эл валютасидаги хатланган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш хукуқидан фойдаланувчи банкдаги банк ҳисобварағида, омонатида турган ёки сақланаётган бўлса, давлат ижрочиси ўз қарори билан банк зиммасига ижро йифимини, давлат ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ижро харажатларини инобатга олган ҳолда ижро хужжатини ижро этиш учун зарур ҳажмда чет эл валютасини сотиш мажбуриятини юклайди.

Агар банк Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш хукуқидан фойдаланмаса, давлат ижрочиси унинг зиммасига чет эл валютасини шундай хукуқдан фойдаланувчи банкка ўtkазиш мажбуриятини юклайди.

Қарздордан топилган ва олиб қўйилган, ижро хужжатида кўрсатилган нақд чет эл валютасини давлат ижрочиси олиб қўйилган кундан кейинги иш кунидан кечиктиrmай Мажбурий ижро бюроси органининг депозит ҳисобварағига топширилади, ижро хужжатида кўрсатилганидан бошқа чет эл валютасини ёки сўмдаги нақд пул маблағларини сотиш (ижро хужжатида кўрсатилган тегишли чет эл

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 48-модда.

валютасини сотиб олиш) учун чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқидан фойдаланувчи банкка топширилади<sup>18</sup>.

Қарздорнинг банк ҳисобварағида, омонатида турган ёки банкда сақланаётган, ижро ҳужжатида кўрсатилганидан бошқа чет эл валютасидаги ёки сўмдаги пул маблағлари хатланганида, давлат ижрочиси ўз қарори билан ваколатли банк зиммасига ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур бўлган миқдорда ижро ҳужжатида кўрсатилган тегишли чет эл валютасини сотиб олиш мажбуриятини юклайди.

Агар банк Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютаси сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаётган бўлса, давлат ижрочиси унинг зиммасига чет эл валютаси ёки сўмни шундай ҳуқуқдан фойдаланувчи банкка ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасида сотиб олинган пул маблағлари улар томонидан Мажбурий ижро бюросининг тегишли ҳудудий бошқармаси депозит валюта ҳисобварағига ўтказилади.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозори професионал иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув улар мижозларининг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозорининг професионал иштирокчиси томонидан кредит ташкилотида очилган ҳисобварағидаги пул маблағларига қаратилиши мумкин эмас<sup>19</sup>.

Суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварағларида сақланаётган суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида хатланган ва олиб қўйилган, шу жумладан фуқаровий жавобгар томонидан киритилган ёхуд жиноий йўл билан ортирилган маблағлар сифатида олиб қўйилган, шунингдек айбланувчи ёки судланувчи томонидан гаров сифатида киритилган пул маблағлари суд томонидан

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 48-1-модда.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 48-2-модда.

ижро ҳужжати берилган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай суднинг тегишли қарори талабларини ижро этишга қаратилади<sup>20</sup>.

Давлат ижрочисининг иш юритуvida бўлган ижро ҳужжатлари бўйича давлат ижрочиси суриштирув, тергов органларига ёки судга мазкур органларнинг депозит ҳисобварағида вақтинча сақланаётган пул маблағларини уч кунлик муддат ичида Мажбурий ижро бюроси органининг депозит ҳисобварағига ўтказиш тўғрисида талабнома юборади.

Ушбу талабнома белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, давлат ижрочиси суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварағида вақтинча турган пул маблағларини ижро ҳужжати талабларига мувофиқ кейинчалик тақсимлаш учун Мажбурий ижро бюроси органининг депозит ҳисобварағига инкассо топшириқномаси орқали низосиз тартибда ҳисобдан чиқаради.

Ундирувни қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида турган мол-мулкига, шу жумладан унинг чет эл банкларидаги пул маблағларига қаратиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади<sup>21</sup>.

Реализация қилинадиган давлатга қарашли мол-мулк хатлаб қўйилганда давлат ижрочиси хатлаш амалга оширилгандан кейин уч кунлик муддат ичида хатланган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати тўғрисидаги, шунингдек ундирувчининг талаблари суммаси тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ҳолда қарздорнинг мол-мулки хатланганлиги ҳақидаги хабарномани давлат мулкини тасарруф этиш ваколатига эга органининг тегишли худудий бўлинмасига юборади. Мазкур хабарноманинг нусхаси қарздор юридик шахс томонидан бюджетга тўловлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар амалга оширилишини назорат қилувчи солиқ органига юборилади.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 48-б-модда.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 50-модда.

Мол-мулкнинг ва мулкий ҳуқуқларнинг айрим турларини реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционлар ваколатли оператор томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Дастлабки электрон онлайн-аукционлар нархнинг ошиб бориши принципи, тақрорий электрон онлайн-аукционлар эса нархнинг тушиб бориши принципи бўйича ўтказилади.

Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ихтисослаштирилган очик кимошди савдоларида сотилади.

Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, 20 ва ундан кўп йил фойдаланилган, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари томонидан фойдаланиш учун яроқсиз деб топилган автомототранспорт воситалари ҳақ тўлаш эвазига утилизация ташкилотларига ёки иккиласмчи хом ашёни қайта ишлаш ташкилотларига (металл парчалари нархида) топширилади. Бир вақтнинг ўзида, ушбу автомототранспорт воситаларининг давлат рўйхатига олинган рақам белгилари ва рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳномаларини белгилangan тартибда йўқ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларига топшириш хақида қарор қабул қилинади.<sup>22</sup>

Савдо ташкилотлари ўзининг мол-мулкни қабул қилиб олиш ва сотиш билан боғлиқ ҳаражатларини қоплаш учун шартномада белгилangan, бироқ сотилган мол-мулк қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган сотилган мол-мулк савдо чегирмасини ўз фойдасига ушлаб қоладилар.

---

<sup>22</sup> 11.09.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Автомототранспорт воситаларини давлат даромадига ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 707-сонли Қарори

Давлат даромадига ўтказилган сотувдаги мол-мулкнинг яроқлилик муддати тамом бўлгандан кейин савдо ташкилоти давлат ижрочисига тегишли билдиришнома юборади. Давлат ижрочиси яроқлилик муддати тамом бўлган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун уч кун мобайнида судга ёки ижро хужжатини берган бошқа органга мурожаат қиласиди. Суд ёки ижро хужжатини берган бошқа орган давлат ижрочисининг мурожаатини ижро хужжатини бажариш усули ва тартибини ўзгартириш тартибида кўриб чиқади.

**Мол-мулк реализацияси.** Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдолари фақатгина «E-IJRO AUCTION» ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционлар шаклида ўтказилади<sup>23</sup>.

Электрон онлайн-аукционлар уларда Интернет тармоғи орқали иштирок этиш имконини берадиган ҳамда буюртмаларни қабул қилиш ва ғолибни аниқлаш тартиб-таомилларига аралашувни истисно этадиган маҳсус дастурий маҳсулотдан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон буюртма бериш ва закалат киритиш орқали амалга оширилади.

Мол-мулк электрон онлайн-аукционга баҳолаш қиймати бўйича кўйилади.

Электрон онлайн-аукцион нархни ошиб бориш услубида ва такрорий ўтказиш тартибларида амалга оширилади.

---

<sup>23</sup> 27.07.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3149-сонли Қарори билан тасдиқланган “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

### **1.3. Жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш масалалари бўйича халқаро тажриба.**

Голландияликлар биринчилардан бўлиб активларни қайтариш бўйича ихтисослашган агентликни ташкил этишган. Жиноий активлардан маҳрум қилиш бюроси (**Criminal Asset Deprivation Bureau, Bureau Ondernemingswetgeving Openbaar Ministerie, BOOM**) 1992 йилда ташкил этилган.

Белгияда мусодара қилишнинг Марказий органи (**Organe Central pour la Saisie et la Confiscation, COSC**) томонидан 1994 йилда ташкил этилган. Ирландияда 1996 йилдан буён Жиноий активлар бюроси (**Criminal Assets Bureau**) фаолият юритмоқда.

Францияда мусодара қилинган активларни бошқариш ва қайтариш бўйича Агентлик (**Agency for the management and recovery of the assets seized and confiscated – AGRASC**) ва Молия соҳасидаги йирик жиноятларга қарши курашиб маркази (**OCRGDF – Office central de répression de la grande délinquance financière**) ташкил этилган. Болгарияда жиноий йўл билан орттирилган мулкни қидириш бўйича Комиссия (**СЕРА- IA**), Кипрда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб идораси (**Unit for Combating Money Laundering**), Данияда жуда кўп миқдордаги иқтисодий оғир жиноятлар бўйича Давлат прокуратураси (**State Prosecutor for Serious Economic Crime (Statsadvokaten for Særlig Økonomisk Kriminalitet)**), Грецияда Молия вазирлигининг Молия ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиб идораси фаолият юритади.

Мусодара қилинган мол-мулкни сақлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек уни давлат даромадига мусодара қилиш ёки жабрланувчилар учун компенсация тарзида бериш мақсадида активларни бошқариш бўйича ихтисослашган бўлимлар (бўлинмалар) ташкил этилган.

Хатланган активларни бошқариш қўшимча молиявий харажатларни хусусан, санъат ва қадимий буюмларга ишлов бериш нафақат эҳтиёткорлик билан сақлашни, балки маҳсус шароитларда намлик, атроф-муҳитнинг кимёвий таркиби ва бошқаларга риоя қилишни талаб қиласди.

Бундан ташқари, бундай объектларнинг ҳақиқийлигини, шунингдек қийматини аниқлаш учун қиммат экспертиза текширувлари ўтказилиши зарур.

Тергов жараёнида мусодара қилинган молиявий активларни бошқариш, бозор шароитидаги ўзгаришлар натижасида қиймати сезиларли даражада ўзгариб турадиган қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ни бошқариш ҳам қийинчиликларга олиб келади. Шу мақсадда активларни бошқариш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар нафақат ҳукуқ соҳасидаги мутахассислар, балки бошқа соҳалар, иқтисодчилар, эксперторлар, шунингдек менежерлар билан тўлдирилади.

Голландияда активларни бошқариш бўлими бу давлат органлари тизимиға кирмайдиган хусусий тузилма бўлиб, активларни бошқариш юқори рентабелли профессионал бизнес сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин бу мулкка эгалик қилишдан ёки вақтинча давлатга берилган қийматлардан даромад олишга имкон беради.

Молиявий жиноятлар айниқса жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш ва активларни қидириш бўйича муҳим маълумотларга эга бўлиш зарурати уларни таҳлил қилиш жиҳатлари билан ажралиб туради. Европа мамлакатларида активларни қайтариш тизимининг барча элементларини жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек уларнинг мулки, миллий даражадаги ички ва ташқи ахборот ва алоқа тизимлари шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисида муҳим маълумотларни олиш имкониятини таъминлаш тобора такомиллаштирилиб борилмоқда.

Мусодара қилинган ёки хатланган мол-мулк тўғрисидаги маълумотларни бирлаштириш учун турли ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари, прокуратура, суд, молия вазирликлари ва бошқаларга имкон берадиган махсус маълумотлар базаси яратилган бўлиб, бу мулкни ҳисобга олиш, мусодара қилиш жараёнининг ҳолатини кузатиб бориш ва бошқа маълумотларни олиш имконини беради.

Европа мамлакатлари томонидан маълумотлар алмашинувини узлуксиз таъминлаш ва олиш вақтини қисқартириш учун бир қатор давлатлар маълумотлар базаларидаги маълумотларни бирлаштириш устида ишланмоқда.

Пул ювиш, даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши чоралар кўзи тутувчи 2005/60 / ЕИ директивасини (**On the prevention of the use of the financial system for the purpose of money laundering and terrorist financing, 20.10.2005**), амалга ошириш доирасида Европа Комиссияси **EBOCS (European Business Ownership and Control Structures)** Европа Иттифоқи давлатларининг рўйхатга олиш органлари маълумотлар базаларини бирлаштиришни ўз ичига олган лойихани амалга оширмоқда. Лойиха доирасида ЕИда юридик шахсларнинг ягона реестрини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, бу хукукни муҳофаза қилиш органларига миллатидан қатъи назар, Европа Иттифоқининг барча компаниялари тўғрисида маълумот олиш имкониятини беради. Бугунги кунда лойихага Белгия, Ирландия, Италия, Латвия, Литва, Эстония киради.

Бир қатор мамлакатларда давлатнинг бутун банк тизимида ихтисослашган маълумотлар базалари шакллантирилмоқда (масалан, Австрия, Германия, Франция, Италия, Руминия, Хорватия) банк депозитларининг марказлаштирилган ҳисоби мавжуд бўлиб, бу жисмоний ёки юридик шахсларнинг молиявий ёки банк маблағлари, депозитлар ёки бошқа молиявий воситалар мавжудлиги тўғрисида маълумот олиш вақтини сезиларли даражада қисқартиради.

Ҳозирги кунда 5 та давлатда (Англия, Германия, Испания, Италия, Франция) компанияларнинг бенефициарлари тўғрисида бўлимлар ва давлатлар ўртасида автоматик равишда маълумот алмашиш бўйича пилот лойиха амалга оширилмоқда.

Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида маълумот алмашиш учун **SIENA (The Secure Information Exchange Network Application)** хавфсиз алоқа тизими яратилган.

Олиб қўйилган, мусодара қилинган ва қайтарилилган мол-мулкни ҳисобга олиш учун (қайтарилилган давлат ёки бошқа давлатлар қурбонлариға берилган мол-мулк), шунингдек турли хил давлат органларида хатланган ва мусодара қилиш тўғрисидаги қарорларнинг бажарилишини кузатиш ва статистик маълумотларни тўплаш учун маҳсус маълумотлар базалари яратилган бўлиб, ушбу соҳадаги давлат фаолияти тўғрисида ҳисобот бериш, бошқа давлатлар билан бундай маълумотлар алмашиш, самарадорлигини баҳолаш пулни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича чоралар ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш мақсадида Кенгашнинг 2007/845/JHA 2007 йил 6 декабрдаги қарорига биноан ҳар бир Европа Иттифоқи давлатларида активларни қайтариш Идоралари (**Asset Recovery Office, ARO**), ташкил этилган бўлиб, улар Европа Иттифоқи доирасида жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкларни излаш ва репатриация соҳасида давлатлараро ҳамкорликни таъминлайди. Бундан ташқари, ARO пул ювиш ва бошқа молиявий жиноятлар соҳасида биргаликда тергов ўтказиш учун жавобгардир.

Давлатлар ўртасида бундай идоралар орқали маълумот олиш тўғрисида сўров бўйича маълумот алмашиш **2006/960/JHA2 ("Швеция ташаббуси" деб номланган)** қарорига биноан амалга оширилади. Бунда шошилинч сўровлар учун саккиз соат, шошилинч бўлмаганлар учун бир ҳафта, бошқа сўровлар учун икки ҳафта муддат белгиланган.

Европа Иттифоқи давлатларининг активларни қидириш ва қайтариш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш 2004 йилда ташкил этилган Европа Активларни қайтариш Бюроси (**European Criminal Assets Bureau**,

**ЕСАВ**) томонидан амалга оширилиб, Бюро Европа Иттифоқи давлатларининг миллий ҳокимиятларига ҳамда бошқа мамлакатлар худудида активларни қидириш ва қайтаришда кўмаклашади.

Расмий тузилмалар ёки ташкилотлар доирасидаги ўзаро муносабатларга қўшимча равишда Европа мамлакатлари ҳамкорликнинг норасмий шаклларидан фойдаланадилар, 2004 йилда шундай деб аталган КАРИН - (**Camden Assets Recovery Inter-Agency Network, CARIN**), активларни қайтариш ва жиноий даромадларга қарши курашнинг барча жиҳатларини қамраб олувчи идоралараро минтақавий тармоғи ташкил этилган. Унинг таркибиغا 50 дан ортиқ мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва 14 та халқаро ташкилотларнинг вакиллари киради ва ушбу муассасанинг муҳимлиги унинг рўйхатида Интерпол, Халқаро жиноий суд, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси аъзоларининг мавжудлигидан далолат беради ҳамда Доимий штаб-квартираси Гаагадаги (Нидерландия) бош офисида жойлашган.

Трансмиллий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги давлатлар бир-бирларига ёрдам бериш истагига боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, Европа мамлакатлари активларни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар тузиш орқали учинчи давлатлар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилишади яъни активларни қайтариш ёки мусодара қилишдан тушадиган пул маблағларини ижро этилаётган давлатлар ўртасида мусодара қилинган мол-мулкни ўзаро тақсимлашга ҳаракат қилишади. Шунга ўхшаш қоидалар **ФАТФ**нинг 38-Тавсиясида ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тавсиялар давлатларни жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкни тортиб олиш ва мусодара қилиш тартибини соддалаштириш бўйича келишувга чақиради.

АҚШ Адлия вазирлигининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва активларни қайтариш бўлими (**Money Laundering and Asset Recovery Section, MLARS**) ўзлаштирилган активларни қайтариш бўйича АҚШнинг етакчи агентлиги ҳисобланиб,

хориж давлатлари расмий идораларининг сўровларини кўриб чиқиш, коррупция ва бошқа жиноий схемалар бўйича ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтаришга оид ахборот алмашишда ёрдам беради.

Адлия вазирлигининг Ташқи ишлар бошқармаси жиноят ишлари бўйича бўлими (**Office of International Affairs, OIA**) АҚШнинг марказий органи ҳисобланиб, ўзаро хукуқий ёрдам тўғрисидаги барча расмий сўровларни қабул қилиш ва жўнатиш хукуқига эга. Хорижий давлатлардан ёрдам сўраб келиб тушган расмий мурожаатлари Ташқи Ишлар Вазирлигига келиб тушади. Федерал Тергов Бюроси (**Federal Bureau of Investigation, FBI**) ва Миллий хавфсизлик хизмати тергов бўлими (**Homeland Security Investigations, HSI**) ушбу ташкилотларда маҳсус молиявий терговчилардан иборат маҳсус гурухлари мавжуд бўлиб, уларнинг бевосита вазифаси глобал коррупцияга қарши қурашишдир<sup>24</sup>.

Активларни қайтариш бўйича Ирландия тажрибасида жиноий йўл билан қўлга киритилган активларни мусодара қилишни таъминлаш учун жиноий мусодара қилиш ва жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибида мол-мулкни мусодара қилиш белгиланган<sup>25</sup>. Ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтариш бўйича тергов Бюроси кўп тармоқли агентлик бўлиб, полиция, солиқ ва божхона бошқармалари, ижтимоий хавфсизлик вазирлиги вакиллари, юридик мутахассис, маъмурий ва техник ходимлардан иборат.

Тайланд ҳукумати томонидан 1999 йилда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва пулларни ювишга қарши қурашиш тўғрисидаги қонун (**Anti-Money Laundering Act — AMLA**)

---

<sup>24</sup> “Механизмы и процедуры возвращения активов в США: практическое руководство для международного сотрудничества”. Подразделение по отмыванию денег и возврату активов (MLARS) Министерство юстиции США.

<sup>25</sup> Выявление доходов от преступной деятельности: опыт ирландии. «возврат похищенных активов руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр. 220.

қабул қилиш билан бирга пулларни ювишга қарши курашиш бошқармаси (**Anti-Money Laundering Office — AMLO**) ташкил қилинганд<sup>26</sup>.

Бошқарма Адлия вазирлиги назорати остида иш олиб борадиган мустақил орган бўлиб, Бош вазир ёки унинг ўринбосари бошчилигидаги пулларни ювишга қарши Кенгашга ҳисобот беради.

**AMLO** жиноятларни тергов қилишдан ташқари активларни мусодара қилиш ва ноқонуний пулларни ювиш билан боғлик ишларни текшириш учун жавобгардир.

Колумбия Наркотикларни назорат қилиш бўйича миллий агентлигининг маҳсус маъмурий бошқармаси (**Dirección Nacional de Estupefacientes — DNE**) активлар хатланган вақтдан бошлаб суд уларни мусодара қилиш ёки қайтариб бериш бўйича яқуний ҳукм чиқарилгунга қадар, шунингдек ижтимоий инвестициялар ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш (яъни, мусодара қилинганд мулк фонди) реабилитация фондини бошқариш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган маъмурий орган ҳисобланади.

**DNE** активларнинг иқтисодий қийматини оқилона сақлаш ва унинг назорати остида мулкни сақлаш учун жавобгардир. Ушбу органинг активларни бошқариш бўлими олиб қўйилган ва мусодара қилинганд активларни бошқариш ва корхоналарга вақтинча фойдаланиш хукуқини бериш учун жавобгардир.

Бошқарма мулкнинг хусусияти ёки турига қараб техник ва маъмурий ёрдам кўрсатадиган еттига гуруҳдан иборат улар: шаҳар кўчмас мулки гуруҳи, қишлоқ кўчмас мулки гуруҳи, компаниялар ва корпорациялар учун гуруҳ, транспорт воситалари гуруҳи, кемалар ва самолётлар учун гуруҳ, пул, санъат ва бошқа нарсалар, мулклар гуруҳи.

Жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришда идоралараро активларни қайтариш бўйича норасмий тармоқларнинг ўрни бекиёсдир.

---

<sup>26</sup> Роль бюро по управлению активами в составе управления по борьбе с отмыванием денег «возврат похищенных активов руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр. 239.

Хусусан, Ғарбий ва Марказий Осиё давлатларининг идоралараро активларни қайтариш бўйича норасмий тармоғи (**ARIN-WCA**) минтақанинг 8 мамлакатини Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек Афғонистон, Эрон ва Покистонни қамраб олган муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади.

Тармоқ эксперт амалиётчилар гуруҳи: судялар, прокурорлар, терговчилар ва молиявий разведка органларининг активларни кузатиш, музлатиш, ҳибсга олиш, мусодара қилиш ва бошқариш тажрибасига эга ходимларидан иборат.

Тармоқнинг мақсади жиноятчиларни ноқонуний активларидан маҳрум қилишда ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишdir.

Ҳозирги қунда дунёда активларни қайтариш бўйича **7 та** норасмий тармоқ мавжуд бўлиб улар қуидагилар:

Европа полиция ташилоти ҳомийлигидаги Котибият билан биргаликдаги Европанинг 57 давлати, Шимолий Америка ва Россия мамлакатларини ўз ичига олган – **Европа тармоғи (CARIN)**;

Корея Республикаси Бош прокуратурасида Котибияти бўлган 19 мамлакатдан иборат – **Осиё-Тинч океани тармоғи (ARIN-AP)**;

Жанубий Африка давлатлари учун Жанубий Африка Бош прокуратурасида Котибият билан 38 та давлатлардан иборат – **Шарқий, Жанубий ва Ғарбий Африканинг 3 та тармоғи (ARIN-EA)**;

32 давлатдан иборат – **Кариб бассейни тармоғи (ARIN-CARIB)**;

18 та давлатдан иборат – **Жанубий ва Лотин Америкаси тармоғи**;

Тармоқларнинг ишчи органи Котибият бўлиб, унинг ваколат ва фаолиятлари аъзо давлатларнинг ёки халқаро ташкилотларнинг ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

Котибиятлар маъмурий қўллаб-қувватлашни таъминлайдилар, масъул шахслар рўйхатини бошқарадилар, бошқа тармоқлар билан алоқаларни ўрнатадилар, биргаликда ҳар йили активларни қайтариш

соҳасида тажриба алмашиш бўйича амалий машғулотлар ва семинарлар ташкил этадилар.

Давлат маблағларини ўзлаштириш муаммосини ҳал қилиш учун Жаҳон банки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси (УНП ООН) билан биргаликда 2007 йил сентябр ойида ўғирланган мулкларни қайтариш (StAR ташаббуси) дастурини бошлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун, Жаҳон Банки Президенти Роберт Зеллик ва УНП ООН директори Антонио Мария Коста янги ҳаракат режасида ўғирланган мулкларни ўз эгаларига қайтариш халқаро ҳамжамият барча аъзоларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қилиши тўғрисида эълон қилишди.

StAR ташаббуси қуидаги вазифаларни амалга оширишда ёрдам беради:

- ноқонуний ўзлаштирилган мол-мулкни қайтаришда маълумотлар тўплаш ва тарқатиш, шунингдек ушбу тартибни амалга оширишга кўмаклашиш чораларини кўриш;
- активларни қайтариб беришнинг ички механизмларини, масалан, мулкни мусодара қилишнинг самарали тартибини, юридик ёрдам учун халқаро сўровга жавоб бериш тартибини ёки бундай сўровни бериш жараёнини яратиш;
- миллий ҳокимият органларининг талабига биноан қайтарилган активлардан фойдаланишни кузатиш.

Жиноий таъқибсиз активларни қайтариш, коррупция механизмлари натижасида ўзлаштирилган ёки сотиб олинган ва хорижий давлатлар ҳудудида яширинган мол-мулкни ёки жиноят натижасида ўзлаштирилган даромадлар ва мол-мулкни тортиб олиш воситаси ҳисобланиб, жиноятчининг ўлеми, унинг одил судловдан яширингандиги ёки жиноий дахлсизликка эга бўлганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган ҳолларда ва вазиятларда қўлланилади.

Шунингдек, мусодара қилишнинг икки хил тарзда: жиноий тартибда ва жиноий тартибдан ташқари яъни фуқаролик тартибида амалга оширилиши кўрсатилган. Ушбу мусодара турларининг ҳар бири битта мақсадни кўзлайди - жиноятлардан олинган даромадларни ва уни содир этишда фойдаланилган нарсаларни давлат фойдасига қайтариш. Бундай мусодара усули икки томонлама мантиққа асосланади:

**Биринчидан** ноқонуний хатти-ҳаракат содир этганларга жиноят ҳисобидан бойишига йўл қўйилмаслиги, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар давлат ёки хусусий шахс бўладими жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш учун олиниши ва қайтарилиши керак.

**Иккинчидан** жиноят такрор содир этилмаслиги, мулклардан кейинчалик жиноий мақсадларда фойдаланишни олдини олишга ёрдам берадиган воситаларни ҳам ўз ичига олади. Жиноий ва жиноий таъқибдан ташқари мусодара асосан активларни қайтариш жараёнида уларни олиб қўйишида ўзаро бир-биридан фарқ қиласди. Жиноий мусодара қилиш жиноий иш юритиш ва судловни амалга оширишни ўз ичига олади, жиноий ишдан ташқари мусодара қилиш эса на бирини, на бошқасини талаб қилмайди.

## **П БОБ. ЖИНОИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШДА ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Жиноий йўл билан топилган активларни хатлаш, ҳисобини юритиш ва қайтариш муаммолари.**

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ, миллий судларнинг мол-мулкни мусодара ёки қайтариш ҳақидаги ижро ҳужжатлари ижроси бўйича қарздорнинг мол-мулкини хатлаш – мол-мулкни рўйхатга олишдан, уни тасарруф қилиш ман этилганлигини эълон қилишдан, зарур ҳолларда эса, мол-мулқдан фойдаланиш ҳукуқини чеклашдан, уни олиб қўйиш ёки саклашга топширишдан иборатdir.

Хатлаш ундирувчига олиб бериладиган ёки реализация қилинадиган қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлаш мақсадида ҳамда жавобгарга тегишли бўлиб, унинг ўзида ёки бошқа шахсларда турган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги суд ажрими ижро этилаётганда амалга оширилади.

Чет эл судлари ва арбитражларининг ҳамда миллий судларнинг қарорларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

Хусусан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасидаги “Фуқаролик, оиласиёй ва жиноий ишлар бўйича ҳукуқий ёрдам ва ҳукуқий муносабатлар тўғрисида”ги (1993 йил 22 январдаги Минск Конвенцияси) ҳамда Кишинев Конвенцияси (2002 йил 7 октябрь), “Жиноий ишлар бўйича ҳукуқий ёрдам тўғрисида”ги Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида имзоланган (2014 йил 11 ноябр Абу Даби) шартномаси шулар жумласидан.

Чет эл судлари ва арбитражлари қарорларини ҳамда миллий судларнинг қарорларини чет эл худудида ижросини таъминлаш мазкур суд

қарорларини давлатлар миллий судларининг қарорлари асосида дастлаб тан олиш ва ижрога қаратиш принциплари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ўзаро хукуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро, икки томонлама ва қўп томонлама шартномалари ҳамда Конвенцияларида чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тартиблари ҳамда ўзаро хукуқий ёрдам бўйича ваколатли марказий органлар белгиланган.

Жиноий йўл билан топилган ноқонуний шу жумладан коррупцион механизmlар ёрдамида олинган маблағларни ва активларни қайтариш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг (UNCAC)<sup>27</sup> асосий принципи сифатида тан олинган.

Активларни қайтариш қўйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

1. Ахборот ва далилларни тўплаш, активларни кузатиш;
2. Активларни саклашни кафолатлаш;
3. Халқаро ҳамкорлик;
4. Суд муҳокамаси;
5. Қарорларни ижро этиш;
6. Активларни қайтариш.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2005 йилда кучга кирган Коррупцияга қарши конвенцияси ноқонуний ўзлаштирилган давлат маблағларини Конвенцияга аъзо давлатларга қайтарилишини таъминлайдиган қонунларни қабул қилишни тавсия қиласди. Жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш ушбу Конвенциянинг асосий принципидир.

Коррупцияга қарши конвенциясига мувофиқ активларни қайтаришнинг қўйидаги механизmlари мавжуд;

---

<sup>27</sup> Теодор Гринберг, Линда Сэмюэль, Вингейт Грант, Ларисса Грей. Возврат похищенных активов: Руководство по конфискации активов вне уголовного производства. — Москва: Альпина Паблишерз, 2010. — 356 с. — ISBN 978-5-9614-1205-5.

1. Мансабдор шахслар ва уларнинг оила аъзоларининг банк хисобварақлари билан боғлиқ шубҳали операциялар устидан молиявий ташкилотларни назорат қилиш чоралари (UNCAC, 52-модда);

2. Иштирокчи-давлат бошқа Иштирокчи-давлатнинг судига хусусий шахс сифатида иштирок этиши учун зарур бўлган процедуралар (UNCAC, 53-модда);

3. Бир давлатнинг бошқа давлат суди томонидан чиқарилган мусодара қилиш буйруғини тан олишга ва ижро этишга имкон берадиган ички қонун мавжудлиги, кейинчалик тергов ҳаракатларини ўтказиш ва натижада бошқа давлатда коррупцион механизмлар орқали сотиб олинган мол-мулк музлатилиши ва мусодара қилиниши (UNCAC, 54-модда);

4. Жиноятчининг ўлими, қочиб кетиши ёки яшириниши натижасида жиноий таъқибдан ташқари мол-мулкни мусодара қилишга рухсат берадиган бошқа чоралар (UNCAC, 55-модда);

Шунингдек, Конвенция активларни қайтаришда иштирокчи давлатларнинг ўзаролик тамойилларига риоя қилинишини қўллаб-куватлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси Жаҳон банки билан биргаликда ноқонуний ўзлаштирилган мулкни тиклаш ташаббуси (StAR Ташаббуси) лойиҳасини бошлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 2007 йилдаги нутқида ушбу ташаббус ривожланган ва ривожланаётган давлатлар, жамоат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликка ёрдам беришини, бундай ҳамкорликнинг натижаси активларни қонуний эгаларига қайтариш эканлигини таъкидлаган.<sup>28</sup>

Натижада, ушбу масала батафсил таҳлил қилинган нашр чоп этилиб, ушбу дастур доирасида қўйидаги тадбирлар:

---

<sup>28</sup> Гринберг и др., 2010, с. 31.

- ноқонуний ўзлаштирилган давлат маблағларини қайтариш принциплари ва чоралари түғрисида маълумотлар ҳақида хабардор қилиш;
- активларни қайтаришнинг ички механизмларини яратиш (активларни қайтариш түғрисида талабнома, мулкни мусодара қилиш ва бошқалар);
- сўров ёки талабнома бўйича қайтариладиган активларни кузатиб бориши амалга оширмоқда.

Агар мулк чет элда жойлашган бўлса, ўзаро ҳуқуқий ёрдам түғрисида сўров юбориш орқали қарорни бошқа мамлакат судида тўғридан-тўғри рўйхатдан ўtkазиш ва ижро этиш (тўғридан-тўғри ижро этиш) ёки сўralаётган давлат томонидан тақдим этилган фактлар асосида қарор чиқариш (бильвосита ижро этиш) орқали ижросини таъминлашга эришиш мумкин.

Жиноий йўл билан топилган активларни мусодара қилиш тизимининг қонунчиликда мавжудлиги ҳар қандай давлатнинг коррупция ва пул ювиш натижасида олинган даромадларни қайтаришнинг барча усулларига эга бўлишнинг зарурый шартдир.

Мусодара қилиш суднинг ёки бошқа ваколатли органнинг қарорига асосан мулқдан доимий маҳрум қилишни англатади<sup>29</sup>.

Мулк мусодара қилинганидан сўнг, мулкка эгалик қилиш, мулк эгасига компенсация бермасдан давлатга ўтади. Халқаро хужжатлар ва стандартлар мусодара қилиш тизимларининг муҳимлигини таъкидлайди. Улар ўзларининг иштирокчиларидан ҳеч бўлмаганда коррупция, пул ювиш ва бошқа оғир жиноятларга қарши курашиши воситаси сифатида жиноий мусодара қилиш тизимиға эга бўлишларини талаб қиласидар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси ва ФАТФнинг 40+9 тавсияларида давлат активларни қайтариш бўйича дастурларини кенгайтиришда тобора кучайиб бораётган

---

<sup>29</sup> Конвенция ООН против коррупции (UNCAC), ст. 2; Конвенция ООН против транснациональной организованной преступности (UNTOC), ст. 2; Конвенция о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ, ст. 1.

жиноий таъқибсиз яъни фуқаровий тартибда мусодара қилиш тизимини қўллаб-куватлашади.

Жиноий мусодара қилиш суд томонидан айбланувчининг суд ҳукми чиқарилганлиги ёки айбланувчининг айбини тан олишини талаб қиласди.

Айблов ҳукми чиқарилганда айбланувчининг ўлими, унинг мамлакатдан чиқиб кетиши ёки йўқлигига мол-мulkни мусодара қилиш учун ушбу процедурдан фойдаланиш қийин бўлиши мумкин.

Жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибидаги мусодара айблов ҳукми чиқармасдан туриб, мулкни мусодара қилиш ёки ундан фойдаланишни чеклаш имконини беради.

Жиноий таъқибдан ташқари мусодара қилиш кўпинча мулкий ҳукуқка эга бўлган шахсни эмас, балки мулкни таъқиб қилиш бўлганлиги сабабли, одатда бу мулк жиноий йўл билан топилган даромад ёки уни содир этиш воситаси эканлиги тўғрисидаги далиллар тўплаш ва исбот қилишни талаб қиласди.

Бундан ташқари, жиноий таъқибдан ташқари мусодара қилиш айблов ҳукми чиқарилишига боғлиқ эмас.

Фуқаролик процедураси қўлланиладиган мамлакатларда мусодара қилиш айблов ишини енгиллаштиради ҳамда кам аҳамиятли далилларни тўплашнинг ўзи етарли ҳисобланади.

Мусодара қилишнинг ушбу турлари бир-биридан қуйидагича фарқланади:

- мол-мulkни қайтариш ва мусодара қилиш ҳамда хатлашда; (жиноий таъқиб жиноий иш қўзғатиш ва айбловни ўз ичига олади) жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибда даъво қўзғатиш орқали мусодара қилиш эса на бирини, ва на бошқасини талаб қilmайди;

- жиноий мусодара қилиш бу якка тартибдаги қарор, яъни у муайян шахсга қарши қаратилган бўлиб, (*in personam*) бундай мусодара қилиш жиноий иш қўзғатиш ва айблов ҳукми талаб қиласди ва кўпинча ҳукмдаги жазонинг бир қисми ҳисобланади;

- жиноий мусодара қилишнинг талаби, авваламбор, давлат судланувчининг айбини исботлаши, яъни судья судланувчининг айбига ишониши учун шундай далилларни тақдим қилиши кераклигини англатади.

Жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибда даъво қўзғатиш орқали мусодара қилишда эса;

- жиноятчи одил судловдан яшириниб юрган бўлса ва унга жазо тайинлаш имкони мавжуд бўлмаса;

- жиноятчи иш қўзғатилишидан олдин ёки ҳукм чиқарилишидан олдин вафот этганлиги сабабли, иш тугатилган бўлса;

- жиноятчида дахлсизлиги ҳукуқи уни жиноий таъқиб қилишдан химоя қилган тақдирда;

- мол-мулк топилган ва жиноятчи шахси номаълум (масалан, мол-мулк жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлмаган курерда топилган) агар топилган мол-мулк жиноий ҳаракатлар натижасида олинганлиги исботланса;

- мулк жиноятга дахли бўлмаган учинчи шахслар тасарруфида бўлса, аммо улар мулкнинг жиноий келиб чиқиши ҳақида хабардор ёки била туриб бу фактга эътибор бермаган тақдирда, учинчи шахсдан мулкни тортиб олиш учун жиноий мусодара қилиш мумкин эмас, аммо бу жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибида даъво киритиш орқали мусодара қилиниши бундан мустасно, яъни мол-мулк, гарчи у инсофли харидор томонидан сотиб олинган бўлса ҳам олиб қўйилади;

- жиноий жавобгарликка тортиш учун далиллар етарли бўлмаганда.

Жиноий йўл билан топилган мол-мулни хатлаш, мусодара ёки активларни қайтаришда миллий қонунчилигимизда жиноий таъқибдан ташқари, фуқаролик тартибида даъво қўзғатиш механизми мавжуд эмас.

АҚШ Адлия вазирлигининг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва активларни қайтариш бўлими (**Money Laundering and Asset Recovery Section, MLARS**) ўзлаштирилган

активларни қайтариш бўйича АҚШнинг етакчи агентлиги ҳисобланиб, хориж давлатлари расмий идораларининг сўровларини кўриб чиқиш, коррупция ва бошқа жиноий схемалар бўйича ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтаришга оид ахборот алмашишда ёрдам беради.

Адлия вазирлигининг Ташқи ишлар бошқармаси жиноят ишлари бўйича бўлими (**Office of International Affairs, OIA**) АҚШнинг марказий органи ҳисобланиб, ўзаро хукуқий ёрдам тўғрисидаги барча расмий сўровларни қабул қилиш ва жўнатиш хукуқига эга. Хорижий давлатлардан ёрдам сўраб келиб тушган расмий мурожаатлари Ташқи Ишлар Вазирлигига келиб тушади. Федерал Тергов Бюроси (**Federal Bureau of Investigation, FBI**) ва Миллий хавфсизлик хизмати тергов бўлими (**Homeland Security Investigations, HSI**) ушбу ташкилотларда маҳсус молиявий терговчилардан иборат маҳсус гурухлари мавжуд бўлиб, уларнинг бевосита вазифаси глобал коррупцияга қарши курашишdir<sup>30</sup>.

Активларни қайтариш бўйича Ирландия тажрибасида жиноий йўл билан қўлга киритилган активларни мусодара қилишни таъминлаш учун жиноий мусодара қилиш ва жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибида мол-мулкни мусодара қилиш белгиланган<sup>31</sup>. Ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтариш бўйича тергов Бюроси кўп тармоқли агентлик бўлиб, полиция, солиқ ва божхона бошқармалари, ижтимоий хавфсизлик вазирлиги вакиллари, юридик мутахассис, маъмурӣ ва техник ходимлардан иборат.

Тайланд ҳукумати томонидан 1999 йилда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва пулларни ювишга қарши курашиш тўғрисидаги қонун (**Anti-Money Laundering Act — AMLA**)

---

<sup>30</sup> “Механизмы и процедуры возвращения активов в США: практическое руководство для международного сотрудничества”. Подразделение по отмыванию денег и возврату активов (MLARS) Министерство юстиции США.

<sup>31</sup> Выявление доходов от преступной деятельности: Опыт Ирландии. «Возврат похищенных активов Руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр. 220.

қабул қилиш билан бирга пулларни ювишга қарши курашиш бошқармаси (**Anti-Money Laundering Office — AMLO**) ташкил қилингандык<sup>32</sup>.

Бошқарма Адлия вазирлиги назорати остида иш олиб борадиган мустақил орган бўлиб, Баш вазир ёки унинг ўринбосари бошчилигидаги пулларни ювишга қарши Кенгашга ҳисобот беради.

**AMLO** жиноятларни тергов қилишдан ташқари активларни мусодара қилиш ва ноқонуний пулларни ювиш билан боғлик ишларни текшириш учун жавобгардир.

Колумбия Наркотикларни назорат қилиш бўйича миллий агентлигининг маҳсус маъмурий бошқармаси (**Dirección Nacional de Estupefacientes — DNE**) активлар хатланган вақтдан бошлаб суд уларни мусодара қилиш ёки қайтариб бериш бўйича якуний буйруқ чиқаргунга қадар, шунингдек ижтимоий инвестициялар ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш (яъни, мусодара қилинганди мулк фонди) реабилитация фондини бошқариш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган маъмурий орган ҳисобланади.

**DNE** активларнинг иқтисодий қийматини оқилона сақлаш ва унинг назорати остида мулкни сақлаш учун жавобгардир. Ушбу органнинг активларни бошқариш бўлими олиб қўйилган ва мусодара қилинганди активларни бошқариш ва корхоналарга вақтинча фойдаланиш хукуқини бериш учун жавобгардир.

Юкорида таъкидланганидек, хорижий давлатларда жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш учун маҳсус органлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг ваколатларига активларни кузатиш тергов қилиш жиноят иши қўзғатиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан бир қаторда қайтариш ёки реализация қилингунига қадар уларни сақлаш ҳисобини юритиш халқаро сўровларни кўриб чиқишига доир ваколатлари қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган.

---

<sup>32</sup> Роль Бюро по управлению активами в составе Управления по борьбе с отмыванием денег «Возврат похищенных активов Руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр. 239.

Ушбу ташкилотлар ўз ваколатлари активларни сақлаш билан бирга ундан вақтинча фойдаланиш шунингдек тез бузулувчан махсулотларни сақлаш ҳамда дарҳол реализация қилиш ваколатлари ҳам берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5630-сонли Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ташкил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2019 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 404-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан тасдиқланган Низомда Агентликнинг мақоми, асосий вазифалари, фаолият йўналишлари, функциялари, хуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби белгиланган<sup>33</sup>. Агентлик суд қарорлари асосида берилган ижро ҳужжатларини ижро этиш, жиноий йўллар билан ўзлаштирилган активларни қайтариш ёки уни тасарруф қилиш, ҳорижий хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чет эл ташкилоти активларни аниқлаш ва уларни тасарруф этишини вақтинча чеклаш каби айрим турдаги сўровнома (талабнома)ларни бажариш ваколатгига эга эмас.

Мусодара қилиш дастурини муваффақиятли режалаштириш тегишли имкониятларни талаб қиласди, чунки уни амалга оширувчи агентлик мусодара қилинган ва қайтарилган мол-мулкни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ қатор муаммоларга дуч келади.

---

<sup>33</sup>15 май 2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 404-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом.

Ижро этувчи агентлик қўлга киритилган барча турдаги активларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, шунингдек тергов ва суд жараёни давомида уларнинг ҳолатини қайд қилиб бориш учун аниқ ваколатларга эга бўлиши керак, шундагина мол-мулк тўғрисида доимий равишида маълумотларга эга бўлиш имкони бўлади.

Мусодара қилинган ва қайтарилигтан мол-мулкни сақлаш ундан фойдаланиш ва сотишни тартибга солиш учун аниқ тартиб талаб қилинади.

Шунингдек, жиной йўл билан топилгандан активларни қайtаришда уларни хатлаш, ҳисобини юритиш, чет элдан хатлаш, банд солиш, сақловини таъминлаш, реализацияси шунингдек суд қарори ижросини таъминлашда бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оишришга республикамизда ваколатли орган мавжуд эмас.

Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги доирасида имзоланган Минск Конвенцияси (1993 йил 22 январ) иштирокчи давлатлар ўртасидаги фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳукуқий ёрдам ва ҳукуқий муносабатларни тартибга солади.

Мазкур Конвенция талабларига мувофиқ фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳукуқий ёрдам қўрсатишда Томонларнинг Адлия вазирлиги бевосита Марказий орган сифатида белгиланган.

Ўзаро ҳалқаро ҳукуқий ёрдам тўғрисидаги сўровларни амалга оширишда ишнинг дастлабки терговидан бошлаб, суд қарори ижроси таъминлангунга қадар бўлган босқичда ҳар бир шартномада белгиланган тартибга мувофиқ давлатлар ўртасида ўзаро ҳукуқий ёрдам тўғрисидашги сўров ва топшириқларнинг ва ҳужжатлар айланмасининг Марказий орган яъни Баш прокуратура ёки Адлия вазирлиги орқали кўрсатилганлиги зарур ва иш учун аҳамиятли маълумотларни олишда ортиқча вақт сарфланишига, мол-мулклар бегоналаштирилиши ёки унга заарар етказилишига сабаб бўлади.

Фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳукуқий ёрдам ва ҳукуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев Конвенцияси ҳам (2002 йил 7

октябрь) Минск Конвенциясининг мантиқий давоми ҳисобланиб, унда ҳам фуқаролик, оиласириш ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда бевоита Марказий орган сифатида Адлия вазирлиги белгиланган.

Кишинев Конвенциясининг учинчи бўлими суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишга бағишлиланган бўлиб, 54-моддасида Минск Конвенциясидан фарқли рашишда ҳар бир Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Конвенция талаблари асосида ўз ҳудудида қўйидаги суд қрорларини:

- жиноят ишлари бўйича судларнинг заарни қоплаш, жаримани ундириш ва мусодара ҳақидаги ҳукмларини (қарорларини);
- даъвони таъминлаш мақсадида судларнинг мол-мулкни хатлаш, шунингдек банк ҳисоб рақамлардаги пул маблағларига банд солиш ҳақидаги қарорларини ижро этиш учун тан олади ва ижрога қаратади.

Суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Шунингдек, Конвенцияда судларнинг жарима ундириш, мол-мулкни ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни мусодара қилиш тартиби ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг жарима ундириш, мол-мулкни мусодара қилиш, ноқонуний йўл билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни, ашёларни ва мол-мулкларни давлат даромадига ўtkазиш ҳақидаги суд қарорлари Конвенция талаблари асосида тан олиниши ва ижрога қаратилиши белгиланган.

Бунда ундирилган жиноий жарималар сўралаётган Аҳдлашувчи Томонга берилиши, бироқ фақат сўралаётган Аҳдлашувчи Томон мусодара (конфискация) ҳақидаги қарорларни қайта кўриб чиқишга ҳақли эканлиги, мусодара процедураси сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги асосида амалга оширилиши, мусодара қилинган мулк ёки унга эквалент бўлган бошқа мулк сўралаётган Томонга тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунингдек, ҳар қандай ҳолатда ҳам қарорни тан олиш ва ижро этиш жараёнида ушбу Конвенцияга мувофиқ, Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро мол-

мулкни бўлиб олиш тўғрисида келишиб олишлари тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган.

Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Абу Даби шартномаси (2014 йил 11 ноябрь) З-моддаси ҳуқуқий ёрдам қўламини белгилайди унга мувофиқ Томонлар ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ, жиноят ишлари юзасидан тергов қилиш, жиноий таъқиб қилиш ва ишни судда кўришда бир-бирларига ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

Ҳуқуқий ёрдам қуидагиларни ўз ичига олади:

- а) сўралаётган Томон қонунчилигига мувофиқ шахслардан кўрсатув ёки аризалар олиш, шу жумладан, видеоконференция ёки телевизион алоқалар орқали;
- б) хужжатлар, ёзувлар ва далилларни тақдим этиш;
- с) хужжатларни топшириш;
- д) қамоқда сакланаётган шахсни кўрсатув бериш учун вақтинча ўтказиш;
- е) тинтуб ўтказиш ва хатлаш тўғрисидаги сўровларни бажариш;
- ф) жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, жиноят предмети ва қуролларини мусодара қилиш;
- г) мазкур Шартнома доирасида сўралаётган Томоннинг қонунчилигига зид бўлмаган ҳамкорликнинг бошқа шаклларини ҳам ўз ичига олади.

Агар Томонлардан бирига бошқа Томон ҳудудида жойлашган ва мусодара қилиниши мумкин бўлган ёки мазкур Томоннинг қонунчилигига мувофиқ бошқача тарзда хатланиши мумкин бўлган жиноий даромадлар, жиноят предметлари ва қуроллари маълум бўлса, у бу ҳақда бошқа Томонни хабардор қилиши мумкин. Агар мазкур бошқа Томон бунга нисбатан юрисдикцияга эга бўлса, у олинган маълумотни қарор қабул қилиш учун ўзининг ваколатли органларига тақдим этиши мумкин ва бу органлар қонунчиликка асосан қарор қабул қилиб, кўрилган чоралар тўғрисида бошқа Томонни хабардор қилиши лозим.

Хар бир Томон бошқа Томонга жиной даромадлар, жиноят предметлари ва қуролларини мусодара қилиш, жабрланувчиларга жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва товон ундиришда ўз қонунчилиги йўл қўядиган даражада ёрдам беради.

Жиноий даромадлар, жиноят предметлари ва қуролларини сақлаётган Томон ўз қонунчилигига мувофиқ уларни тасарруф этади. Томонлардан ҳар бири мазкур мулкнинг ҳаммасини ёки бир қисмини ёхуд уни сотишдан олинган фойдани бошқа Томонга ўз қонунчилиги рухсат берган даражада ва мазкур Томон лозим деб топган шартларда топшириши мумкин.

Агар сўралаётган Томон сўраётган Томондан талон-торож қилинган давлат мулки бўлган активларни хатласа ёки мусодара қилса, сўралаётган Томон хатланган ёки мусодара қилинган активларни уларнинг легаллаштирилганлиги ёки легаллаштирилмаганлигидан қатъи назар, асосли харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда сўраётган Томонга қайтариб беради.

Қайтариб бериш сўраётган Томонда якуний қарор чиқарилгандан сўнг амалга оширилади.

Агар бир Томон ихтиёрида давлат активи ҳисобланмаган, мусодара қилинган мулк бўлса ва мазкур Томон (сақловчи Томон) бошқа Томонни (ҳамкорлик қилувчи Томон) бунга ҳамкорлик қилган деб ҳисобласа, сақловчи Томон ўз ихтиёрига кўра ва ўз қонунчилигига мувофиқ ушбу активлар ёки уларга тенглаштирилган маблағларни ҳамкорлик қилувчи Томон билан тақсимлаб олиши мумкин.

Агар алоҳида ҳолатларда Томонлар бошқача тарзда келишиб олмаган бўлса, активларни тақсимлаш тўғрисидаги сўров мусодара қилиш бўйича якуний қарор кучга киргандан сўнг бир йил ичida юборилиши лозим.

Агар Томонлар бошқача тарзда келишиб олмаган бўлса, сақловчи Томон мазкур модда қоидаларига мувофиқ ҳар қандай суммани

топширишда ундан фойдаланиш шартларини белгиламаслиги лозим, шу жумладан, ҳамкорлик қилувчи Томондан бошқа давлат, ташкилот ёки жисмоний шахс билан ушбу маблағни бўлишишни талаб қиласлиги лозим.

Кишинев Конвенцияси, Абу-Даби шартномаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенция силарида жиной даромадлар, жиноят предметлари ва қуролларини сақлаётган Томон ўз қонунчилигига мувофиқ уларни тасарруф этади. Томонлардан ҳар бири мазкур мулкнинг ҳаммасини ёки бир қисмини ёхуд уни сотишдан олинган фойдани бошқа Томонга ўз қонунчилиги рухсат берган даражада ва мазкур Томон лозим деб топган шартларда топшириши мумкинлиги ҳақидаги қоида қўшимча равишда Томонларнинг ўзаро келишувини талаб қилиб, унда сотилган яъни раелизация қилинган мол-мулк қийматини ўзаро бўлиб олишлари тартибини назарда тутади.

Бундан кўриниб турибдики, реализация қилинган мол-мулк микдори агар мулк реализация қилингунига қадар қилинган харажатларни қопламаган тақдирда, ёки активлар жойлашган ҳудуддаги давлат билан мол-муклни ўзаро тақсимлаш тўғрисида келишув наф бермаса, активлар бошқа давлат ҳудудида қолиб кетишига сабаб бўлади.

## **2.2. Жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришда халқаро ҳамкорлик механизмларини жорий этиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш**

Ҳозирги даврда давлатимизнинг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири бу интеграция жараёни иштирокчилари ўртасидаги савдо-иктисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга асосланиб, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан муносабатларни янги босқичга кўтаришдир.

Жиноий йўл билан топилган активларни мусодара қилиш ёки қайтариш бўйича АҚШ, Ирландия, Тайлан ва Колумбия давлатлари халқаро тажрибаси ўрганилганда, ушбу ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида активларни кузатиш, жиноят иши қўзғатиш, тергов ва суриштирув ҳаракатларини олиб бориш, хатлаш ва уларни сақлашда жавобгар бўлиш билан бирга ундан вақтинча фойдаланиш шунингдек тез бузулувчан махсулотларни сақлаш ҳамда дарҳол реализацияни таъминлаш каби ваколатлари ҳам берилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўз ваколатлари доирасида хатланган активларни ҳисобини юритиш, чет эл ҳудудидаги активларни хатлаш, суд қарорларининг активларни қайтариш ва мусодара қилишда мол-мулк реализация билан боғлиқ ижро ҳаракатларини амалга ошира олмайди.

Ўзбекистон Республикасида миллий судлар томонидан суд қарорлари асосида бериладиган ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг З-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижро чилиари зиммасига юклатилган бўлиб уларнинг ваколатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ўз фаолияти доирасида барча МДХ давлатлари хусусан, Роосия Федерацияси, Осиё, Европа давватлари ва АҚШ давлати билан суд қарорлари ижроси бўйича ўзаро ҳукуқий ёрдам масалаларида икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар имзоланиб, ўзаро дўстона ёзишмалар олиб бормоқда.

Халқаро муносабатларда дунёнинг саксондан ортиқ давлатлари суд қарорлари ижросини таъминлаш соҳасидаги органларни бирлаштирган Суд ижро чиларининг халқаро иттифоқи билан олиб борилган самарали ишлар натижасида, 2018 йилда Иттифоқ ва Бюро ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланган бўлиб, Бюро Иттифоқнинг уюшган аъзолигига қабул қилинган.

Жиноий йўл билан топилган чет эл ҳудудидаги мол-мулкларни суд қарори асосида хатлаш, активларни қайтариш шунингдек хатланган активлар ҳисобини юритиш учун масъул ваколатли орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросини белгилаш;

Бюронинг функцияларига кўшимча чет эл ҳудудидаги активларни қайтариш хақидаги суд қарорлари ижросини таъминлашда хатланган мулкларнинг ҳисобини юритиш, ушбу тоифадаги суд қарорлари ижросини таъминлашда сарфланадиган харажатлар ҳисоби калкуляциясини олдиндан чиқариш каби вазифаларни юклаш; (*бунда активларни қайтаришда сарфланадиган харажат олдиндан ҳисоб-китоб қилинади.*)

Хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда, миллий қонунчилигимизга ҳорижий ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чет эл ташкилоти активларини аниқлаш ва уларни тасарруф этишни вақтинча чеклаш каби айрим турдаги сўровнома (топшириқ)ларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан тўғридан-тўғри бажариш тартибини белгилаш таклиф этилади.

Ушбу таклифлар натижасида миллий қонунчилигимизда жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш ҳақидаги суд қарорлари ижросини таъминлаш учун масъул ваколатли орган белгиланади.

Шу билан бирга жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришга оид суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминланишига эришилади.

Жиноий мусодара қилиш суд томонидан айбланувчига нисбатан суд ҳукми чиқарилишини талаб қиласди.

Айблов ҳукми чиқарилганда айбланувчининг ўлими, унинг мамлакатдан чиқиб кетиши ёки йўқлиги ҳолатларида мол-мулкни мусодара қилиш учун ушбу процедурадан фойдаланиш қийин бўлиши мумкин.

Жиноий таъқибдан ташқари, фуқаролик тартибидаги мусодара айблов ҳукми чиқармасдан туриб, мулкни мусодара қилиш ёки ундан фойдаланишни чеклаш имконини беради.

Мусодара қилишнинг ушбу тури жиноятчи одил судловдан яшириниб юрган бўлса ва унга жазо тайинлаш имкони мавжуд бўлмаса;

- жиноятчи иш қўзғатилишидан олдин ёки ҳукм чиқарилишидан олдин вафот этганлиги сабабли, иш тутатилган бўлса;
- жиноятчида дахлсизлиги ҳуқуқи уни жиноий таъқиб қилишдан ҳимоя қилган тақдирда;

- мол-мулк топилган ва жиноятчи шахси номаълум (масалан, мол-мулк жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлмаган курерда топилган) агар топилган мол-мулк жиноий ҳаракатлар натижасида олинганлиги исботланса;

- мулк жиноятга даҳли бўлмаган учинчи шахслар тасарруфида бўлса, аммо улар мулкнинг жиноий келиб чиқиши ҳақида хабардор ёки била туриб бу фактга эътибор бермаган тақдирда, учинчи шахсдан мулкни тортиб олиш учун жиноий мусодара қилиш мумкин эмас, аммо бу жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибида даъво киритиш орқали мусодара

қилиниши бундан мустасно, яъни мол-мулк, гарчи у инсофли харидор томонидан сотиб олинган бўлса ҳам олиб қўйилади;

- жиноий жавобгарликка тортиш учун далиллар етарли бўлмаганда самарали қўлланилади.

Хорижий давлатлар Австралия, Янги Зелландия, Ирландия, Швейцария, Тайланд, Буюк Британия, АҚШ, ЖАР давлатларининг фуқаролик ҳуқуки қонунчилигига жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибида даъво киритиш орқали мусодара қилиш тартиби белгиланган.

Шу сабабли, жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришда фуқаролик қонунчилигига жиноий таъқибдан ташқари, яъни фуқаровий тартибда даъво киритиш орқали мусодара қилиш тартиби ва механизмларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг натижасида жиноятчи иш қўзғатилишидан олдин ёки ҳукм чиқарилишидан олдин вафот этганлиги сабабли, иш тутатилган бўлса;

- жиноятчида дахлсизлиги ҳуқуки уни жиноий таъқиб қилишдан ҳимоя қилган тақдирда;

- мол-мулк топилган ва жиноятчи шахси номаълум (масалан, мол-мулк жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлмаган курерда топилган) ҳамда топилган мол-мулк жиноий ҳаракатлар натижасида олинганлиги исботланса;

- мулк жиноятга дахли бўлмаган учинчи шахслар тасарруфида бўлса, аммо улар мулкнинг жиноий келиб чиқиши ҳақида хабардор ёки била туриб бу фактга эътибор бермаган тақдирда, учинчи шахсдан мулкни тортиб олиш учун жиноий мусодара қилиш мумкин эмас, аммо бу жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибида даъво киритиш орқали мусодара қилиниши бундан мустасно, яъни мол-мулк, гарчи у инсофли харидор томонидан сотиб олинган бўлса ҳам олиб қўйилишига;

- жиноий жавобгарликка тортиш учун далиллар етарли бўлмаганда ҳаттоқи шахс оқланганда ҳам активларни қайтариш ёки мусодара қилинишини самарали қўллашга эришилади.

Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги доирасида имзоланган Минск Конвенцияси (1993 йил 22 январ) иштирокчи давлатлар ўртасидаги фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Минск Конвенциясида ўзаро ҳалқаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги сўровларни амалга оширишда ишнинг дастлабки терговидан бошлаб, суд қарори ижроси таъминлангунга қадар бўлган босқичда ҳар бир шартномада белгиланган тартибга мувофиқ давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидашги сўров ва топшириқларнинг ва ҳужжатлар айланмасининг Марказий орган яъни Боз прокуратура ёки Адлия вазирлиги орқали кўрсатилганлиги керакли маълумотларни олишда ортиқча вақт сарфланишига, мол-мулклар бегоналаштирилиши ёки унга зарар етказилишига сабаб бўлади.

Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев Конвенцияси ҳам (2002 йил 7 октябрь) Минск Конвенциясининг мантиқий давоми ҳисобланиб, унда ҳам фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда бевоита Марказий орган сифатида Адлия вазирлиги белгиланган.

Жиноий йўл билан топилган ва чет эл худудидаги активларни қайтаришга оид суд қарорларини ижро этишда ҳалқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама ва кўп томонлама фойдали ҳалқаро шартномаларни ишлаб чиқиш ва амалиётда улардан самарали фойдалана олиш ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Бунда суд қарорларини ижро этишга ваколатли миллий орган ва чет давлати ваколатли органларининг ўзаро дўстона ҳамкорлиги талаб қилинади.

Шу сабабли, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги ҳалқаро сўров ва топшириқларни жўнатиш ва қабул қилиш, ҳужжатлар айланмасини Марказий орган иштирокисиз амалга ошириш имконини берувчи ҳалқаро шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф қилинади.

Шартномада Аҳдлашувчи Томонларнинг мажбурий ижро органлари Аҳдлашувчи Томонларнинг қонунчилигига мувофиқ ижро хужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида хуқуқий ёрдам қўрсатиши ва маълумот алмашинувини амалга оширишда қўйидаги асосий йўналишларда:

- Аҳдлашувчи Томонлардан ижро ишини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар, органлар ва мансабдор шахслардан зарур хабарнома, маълумотномалар, хужжатларни ёхуд уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини олиш бўйича сўровни (топшириқни) бажариш;
- ижро иши мавжудлиги, шунингдек ижро ишининг қайси босқичда эканлиги тўғрисида маълумот бериш;
- қарздорнинг иш жойини аниқлаш, шунингдек, унинг даромад манбалари ва миқдори, шу жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар тўғрисида маълумот олиш;
- қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мулкини қидириш;
- ижро иши бўйича процессуал хужжатларни (мажбурий ижро органи қарорларини), шунингдек чақи्रув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни (уларнинг нусхаларини) олувчига тақдим этиш;
- мажбурий ижро органи сўрови (топшириғи) бўйича мутахасис, таржимонни жалб этиш, шунингдек бажарилган ишлар натижалари тўғрисида ҳисобот ёки бошқа хужжатларни олишда ҳамкорлик қилишни кўзда тутиш лозим бўлади.

Шунингдек, тезкор маълумот алмашинувини амалга ошириш мақсадида Аҳдлашувчи Томонлар ижро иши, қарздорлар ва норезидент қарздорлар тўғрисидаги маълумотларни сақловчи ахборот тизимини яратиш таклиф қилинади.

Шу билан бирга, хабарномалар, маълумотлар ва хужжатларни олишда Аҳдлашувчи Томонларнинг мажбурий ижро органлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг сўрови (топшириғи) бўйича ижро иши томонларидан, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар, маълумотлар, хужжатларни ёки уларнинг

белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини олинишини таъминлаш;

- мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар ҳисоби юритиладиган давлат реестрларидан, бошқа реестрлар ва маълумотлар базасидан, юридик шахслар ва уларнинг филиалларини рўйхатга олиш ҳужжатларидан, фуқаролик ҳолатларини қайд этиш актларидан, ижро иши томонларининг мулкий ва номулкий ҳуқуқларига дахлдор бошқа ҳужжатлардан кўчирмалар, шунингдек, уларнинг ўрнатилган тартибдаги нусхалари Аҳдлашувчи Томонларнинг бир-бирига таржимасиз ва бепул юбориш;

- қарздор ва унинг мол-мулки турган жойини аниқлашда Аҳдлашаётган Томонларнинг мажбурий ижро органлари ўз худудларидағи қарздор жисмоний шахс ёки юридик шахсларни, шунингдек уларнинг мол-мулкини аниқлашда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

- Аҳдлашаётган Томонларнинг мажбурий ижро органлари бошқа Аҳдлашаётган Томон мажбурий ижро органларининг сўров (топшириғига) асосан жисмоний шахснинг доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтган манзилини, шунингдек зарурат туғилганда, жисмоний шахс рўйхатдан ўтган манзилда яшамаган тақдирда, амалда яшаб турган манзилини;

- давлат реестири маълумотларига мувофиқ юридик шахснинг турган жойи ва почта манзилини аниқлаш;

- Аҳдлашувчи Томонлар мажбурий ижро органининг мол-мулк турган жойини аниқлаш тўғрисидаги сўровида (топшириғида) турган жойини аниқлаш кўзда тутилган мол-мулк, шунингдек ушбу мол-мулкни идентификация қилиш имконини берадиган маълумотлар кўрсатиш;

- Аҳдлашувчи Томонлар мажбурий ижро органининг жисмоний ёки юридик шахснинг турган жойини аниқлаш тўғрисидаги сўровида (топшириғида) кўрсатилган шахсларнинг манзилларини аниқлашда ундаги мавжуд маълумотлар тўғрисида маълум қилиш каби вазифаларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Шунингдек, Аҳдлашувчи Томонлар худудида олинган даромадлари миқдори ва манбаларининг иш ҳақи ва бошқа тенглаштирилган тўловлар бўйича (нафақа, стипендия ва ҳ.к) даромадлари, банк муассасалари орқали дивидент сифатида ва омонатлардан олинадиган фоизлар бўйича даромадлар, мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтишини истисно этганда, бошқа даромадлар, фуқаролик-хуқуқий шартномалар бўйича олинадиган даромадларини аниқлаш ва маълумотларни тақдим қилишни назарда тутади.

Ушбу таклифлар натижасида чет эл ҳудудидаги жиноий йўл билан топилган активларни мусодара ёки қайтаришга оид суд қарорлари ижросини таъминлашда суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш масалаларида ҳамда Аҳдлашувчи Томонлар ваколатли органлари билан марказий орган иштирокисиз сўров ва топшириқларни жўнатиш ва қабул қилишда сарфланадиган вақт тежалади, тезкорлик таъминланиши билан бирга мол-мулкни бегоналаштириш, яшириш ёки пул маблағларини банк ҳисоб рақамларидан яшириш олди олиниб, суд қарорлари ижроси сўзсиз таъминланишига эришилади.

Мазкур таклифлар республикамизда жиноий йўл билан топилган активларни мусодара қилиш, қайтаришда ваколатли органни белгилаш, унинг вазифа ва функцияларини аниқ кўрсатиш ва ҳар хил қарашларга барҳам бериш асосийси суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминланиши бу борадаги халқаро хамкорликни янада такомиллаштиришга хизмат қиласи.

## ХУЛОСА.

Тадқиқот ишида активлар тушунчаси, уларни жиноий йўл активларни ўзлаштириш йўллари, хатлаш, банк ҳисоб рақамларига банд солиш, мол-муклни сақлаш, баҳолаш ҳамда реализацияни таъминлашда халқаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги сўров ва топшириқларнини жўнатиш ва қабул қилишда халқаро тажриба чуқур таҳлил қилинган ҳолда ўрганилиб, миллий қонунчиликдаги амалдаги вазият ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва зарур норматив-ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек халқаро шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, тадқиқот натижаларига кўра ижтимоий сўров ўтказилган бўлиб, ушбу сўровда 500 дан ортиқ соҳа мутахассисларининг фикр ва мулоҳазалари ўрганилиб таҳлил қилинган.

Активларни қайтариш бўйича халқаро тажриба ўрганилганда уларнинг ҳисобини юритиш, хатлаш, мол-мулкни баҳолаш ва реализациясини таъминлаш бўйича алоҳида ташкилот фаолияти ва кўрсатилган.

Жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришда масъул бўлган орган сифтаида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро Бюросини белгилаш бу соҳадаги фаолияти ва функцияларини аниқ кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун:

**“6-модда. Чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари ва суд қарорлари ижросини таъминлашда чет эл ваколатли органларининг сўровларини ижро этиш**

Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини, шунингдек суд қарорлари ижросини таъминлашда чет эл ваколатли органлар сўровларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.”

Ўзбекистон Республикаси суди томонидан чет эл судининг ёки арбитражининг қарори асосида берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин.

*(Мазмундаги норма билан тўлдириши).*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Низом 4-иловаси Бюронинг асосий вазифаси ва функциялари деб номланган 10-банди, “а” кичик банди 10-хатбошини;

“чет эл худудидаги мол-мулк мусодараси ёки қайтариш ҳақидаги суд қарорлари ижросини таъминлашда хатланган мулкларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек чет эл ваколатли органларининг Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган чет эл ташкилоти мол-мулки ёки активларини аниқлаш ва уларни тасарруф этишни вақтинча чеклаш каби сўровнома (топшириқ)ларини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари талабларига мувофиқ тўғридан-тўғри бажариш”

*(Уишу мазмундаги хатбоши билан тўлдириши таклиф қилинади.)*

Бундан кутилаётган натижа: миллий қонунчилигимизда жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш ҳақидаги суд қарорлари ижросини таъминлаш учун масъул ваколатли орган белгиланади;

жиноий йўл билан топилган активларни қайтаришга оид суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминланишига эришилади;

суд қарорлари ижроси билан боғлиқ сўровлар, (топшириқ) лар ижроси тўғридан-тўғри ва тез муддатларда таъминланади ҳамда сарфланадиган вақт тежалиб, мол-мулк бегоналаштирилиши ёки яшириши

олди олинади, бундан ташқари, чет эл ҳудудидаги активларни қайтариш хақидаги суд қарорлари ижросини таъминлашда хатланган мол-мулкларнинг ҳисоби юритилади, ушбу тоифадаги суд қарорлари ижросини таъминлашда сарфланадиган харажатлар ҳисоб-китоб калкуляцияси олдиндан аён бўлади. (*бунда активларни қайтаришда сарфланадиган харажат олдиндан ҳисоб-китоб қилинади.*)

Ўзаро ҳалқаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги сўровларни амалга оширишда ишнинг дастлабки терговидан бошлаб, суд қарори ижроси таъминлангунга қадар бўлган босқичда ҳар бир шартномада белгиланган тартибга мувофиқ давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги сўров ва топшириқларнинг ва ҳужжатлар айланмасининг Марказий орган (Бош прокуратура, Адлия вазирлиги) иштирокисиз тўғридан-тўғри ваколатли орган томонидан амалга ошириш таклифи ҳам киртилмоқда.

Бундан кутилаётган натижа шундаки, керакли маълумотларни олишда ортиқча вақт сарфланишига, мол-мулклар бегоналаштирилиши ёки унга зарар етказилиши олди олинади.

Президентимизнинг “Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида”ги 2018 йил 13-мартағи ПҚ-3597-сонли қарорлари қабул қилинган.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими яратилган бўлиб тизим қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

- қарздор-жисмоний шахслар ва уларнинг мол-мулклари, шунингдек, олиб берилиши лозим бўлган болани қидиришда Бюро ва давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш;

- давлат ижро чиларининг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари, билдиришномалари ва бошқа хабарномаларини, шунингдек, уларга жавобларни тегишли давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотларига электрон ҳужжат қўринишида юбориш (қабул қилиш);

- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган қарздорларга, шу жумладан уларнинг мол-мулклари ва мулкий ҳуқуқларига нисбатан чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида қўллаш.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда Бюро билан электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар рўйхати қарордаги иловага мувофиқ тасдиқланган.

Мазкур рўйхатни бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан кенгайтириш, шунингдек, улар бўйича қарздорликларни ундириш масалалари бўйича идоралараро электрон ҳамкорлик схемасини келишилган ҳолда белгилаш ҳуқуқи Бюрога берилган бўлиб, унда:

- мавжуд маълумотларнинг тезкорлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни кўрган ҳолда рухсатсиз фойдаланишга имкон бермайдиган ҳимояланган телекоммуникация тармоқлари орқали;

- ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри уланиш ёки ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг маълумотлар базаларини Бюронинг ахборот тизимида такрорлаш ва мунтазам янгилаб бориш ёхуд ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларини Бюронинг ахборот тизими билан интеграция қилиш йўли билан;

- Бюро ва ҳамкорлик қилувчи ташкилот ўртасида тузиладиган электрон ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва технологик йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши кўрсатилган.

Шунингдек, ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларидағи ёки маълумотлар базаларидаги такомиллаштиришлар ёхуд электрон ҳамкорлик тұғрисидаги технологик йўриқноманинг ўзгаришига олиб келаётган ҳар қандай ўзгартыриш Бюро билан келишилган ҳолда амалга оширилиши ва Ягона электрон ҳамкорлик тизимиға интеграция қилиниши белгиланған.

Мазкур қарор республикамизда қарздор жионий ва юридик шахслар қарздорликларини ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ҳисобланиб, асосий база Бюро АҚТ ходимлари томонидан назорат қилиб борилади.

Бугунги кунда 30 дан ортиқ ташкилотлар билан мазкур қарор талаблари асосида ўзаро электрон ҳамкорлик тұғрисидаги идоралараро технологик йўриқнома имзоланиб амалиётда тадбиқ қилинмоқда.

Ушбу имкониятлар натижасида қарздор шахсга нисбатан унинг мулкий аҳволи тұғрисидаги маълумотлар илгаригидек ўн беш кун ичida эмас балки ўн беш сонияда олиш имконияти пайдо бўлди.

Шу сабабли, Бюрга берилган ваколат ва ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш мақсадида, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тұғрисидаги халқаро сўров ва топшириқларни жўнатиш ва қабул қилиш, хужжатлар айланмасини Марказий орган иштирокисиз амалга ошириш имконини берувчи халқаро шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳада қуидагилар:

- Аҳдлашувчи Томонлардан ижро ишини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар, органлар ва мансабдор шахслардан зарур хабарнома, маълумотномалар, хужжатларни ёхуд уларнинг белгиланған тартибда тасдиқланған нусхаларини олиш бўйича сўровни (топшириқни) бажариш;
- ижро иши мавжудлиги, шунингдек ижро ишининг қайси босқичда эканлиги тұғрисида маълумот бериш;
- қарздорнинг иш жойини аниқлаш, шунингдек, унинг даромад манбалари ва миқдори, шу жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилған бошқа түловлар тұғрисида маълумот олиш;

- қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мулкини қидириш;
- ижро иши бўйича процесуал ҳужжатларни (мажбурий ижро органи қарорларини), шунингдек чакирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни (уларнинг нусхаларини) олувчига тақдим этиш;
- мажбурий ижро органи сўрови (топшириғи) бўйича мутахасис, таржимонни жалб этиш, шунингдек бажарилган ишлар натижалари тўғрисида хисобот ёки бошқа ҳужжатларни олишда ҳамкорлик қилишни кўзда тутиш лозим бўлади.

Шунингдек, тезкор маълумот алмашинувини амалга ошириш мақсадида Аҳдлашувчи Томонлар ижро иши, қарздорлар ва норезидент қарздорлар тўғрисидаги маълумотларни сақловчи ахборот тизимини яратиш таклиф қилинади.

Шу билан бирга, хабарномалар, маълумотлар ва ҳужжатларни олишда Аҳдлашувчи Томонларнинг мажбурий ижро органлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг сўрови (топшириғи) бўйича ижро иши томонларидан, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар, маълумотлар, ҳужжатларни ёки уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини олинишини таъминлаш;

- мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар ҳисоби юритиладиган давлат реестрларидан, бошқа реестрлар ва маълумотлар базасидан, юридик шахслар ва уларнинг филиалларини рўйхатга олиш ҳужжатларидан, фуқаролик ҳолатларини қайд этиш актларидан, ижро иши томонларининг мулкий ва номулкий ҳуқуқларига дахлдор бошқа ҳужжатлардан кўчирмалар, шунингдек, уларнинг ўрнатилган тартибдаги нусхалари Аҳдлашувчи Томонларнинг бир-бирига таржимасиз ва бепул юбориш;

- қарздор ва унинг мол-мулки турган жойини аниқлашда Аҳдлашаётган Томонларнинг мажбурий ижро органлари ўз худудларидаги

қарздор жисмоний шахс ёки юридик шахсларни, шунингдек уларнинг мол-мулкини аниқлашда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

- Аҳдлашаётган Томонларнинг мажбурий ижро органлари бошқа Аҳдлашаётган Томон мажбурий ижро органларининг сўров (топшириғига) асосан жисмоний шахснинг доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтган манзилини, шунингдек зарурат туғилганда, жисмоний шахс рўйхатдан ўтган манзилда яшамаган тақдирда, амалда яшаб турган манзилини;

- давлат реестри маълумотларига мувофиқ юридик шахснинг турган жойи ва почта манзилини аниқлаш;

- Аҳдлашувчи Томонлар мажбурий ижро органининг мол-мулк турган жойини аниқлаш тўғрисидаги сўровида (топшириғида) турган жойини аниқлаш кўзда тутилган мол-мулк, шунингдек ушбу мол-мулкни идентификация қилиш имконини берадиган маълумотлар кўрсатиш каби вазифаларни амалга оширишни белгиловчи қоидаларни мустаҳкамлаш таклиф қилинади.

Олий юридик таълим муассасаларида халқаро хусусий хукуқ, англо-саксон хукуқ тизими ва қонунчилиги, шунингдек миллий жиноят ижроия қонунчилиги, суд қарорларини ижро этиш соҳасидаги фанлар соатини кўпайтириш, талаба ёшларнинг ижро соҳасидаги кўнимкаларини шакллантириш ва фанни чуқур ўзлаштириш мақсадида амалиётчи ходимларни жалб қилган ҳолда мунтазам дарс машғулотлари ўтказилишини ташкил этиш таклиф қилинади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси (2018 йил 28 декабрь).
3. 15 май 2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 404-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом.
4. Иқтисодий атамалар луғати <http://www.bizplan.uz/theory/dictionary/?filter2=A-Z>
5. Жан-Пьер Брюн Ларисса Грей Кевин Стивенсон Клайв Скотт “Руководство по возврату активов для специалистов- практиков” 2012 г.
6. Ўзбекистон Республикасининг 26 август 2006 йилдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. “Опыт США и Германии в сфере борьбы с легализацией (отмыванием) доходов, полученных преступным путем” МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ «СИМВОЛ НАУКИ» №2/2016 ISSN 2410-700X.
8. Global Profiles of the Fraudster, KPMG International, 2016 UNODC and The World Bank, “Stolen Asset Recovery (StAR) Initiative: Challenges, Opportunities, and Action Plan” (World Bank, Washington, DC, 2007), p. 10, citing Raymond Baker, *Capitalism's Achilles Heel: Dirty Money and How to Renew the Free-Market System* (Hoboken, NJ: John Wiley & Sons, Inc., 2005).
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 июль 2009 йилдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган Низом.
10. 12.03.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4236-сонли Қарори
11. 29.12.2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Суд ижрочилари бўлимларида ижро ва иш юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги” 1091-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган бўйруқ.
12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 233-моддаси Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.
13. 24.12.2015 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги” Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2744-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни.
15. 11.09.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автомотранспорт воситаларини давлат даромадига ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 707-сонли Қарори
16. 27.07.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиби-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3149-сонли Қарори билан тасдиқланган “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

17. Механизмы и процедуры возвращения активов в США: *практическое руководство для международного сотрудничества*". Подразделение по отмыванию денег и возврату активов (MLARS) Министерство юстиции США.
18. Опыт США и Германии в сфере борьбы с легализацией (отмыванием) доходов, полученных преступным путем" международный научный журнал «символ науки» №2/2016 issn 2410-700x.
19. Выявление доходов от преступной деятельности: опыт ирландии. «возврат похищенных активов руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр. 220.
20. Роль бюро по управлению активами в составе управления по борьбе с отмыванием денег «Возврат похищенных активов руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр. 239.
21. *Теодор Гринберг, Линда Сэмюэль, Вингейт Грант, Ларисса Грей. Возврат похищенных активов: Руководство по конфискации активов вне уголовного производства.* — Москва: Альпина Паблишерз, 2010. — 356 с. — ISBN 978-5-9614-1205-5.
22. Конвенция ООН против коррупции (UNCAC), ст. 2; Конвенция ООН против транснациональной организованной преступности (UNTOC), ст. 2; Конвенция о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ, ст. 1.